Ушбу сонда:

2 ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИГА ЭЪТИБОР

3 «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ

8 КАСАБА УЮШМА СПОРТИ ЖОНКУЙАРЛАРИ



ПИСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ!
O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 28 декабр, сешанба № 206-207 (1840)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БУЮК КЕЛАЖАК ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш, халқимизнинг тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун зарур шарт-шароит яратиш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

2004 йилнинг 26 декабри ҳаётбахш ислоҳотлар ижобати билан боғлиқ муҳим сана сифатида улкан, оламшумул ишларимиз солномасига алоҳида саҳифа бўлиб киради. Зеро, худди шу куни мамлакатимиз тарихида илк бор икки палатали парламентнинг Қонунчилик палатасига ва Сенатни шакллантириш учун асос бўлажак маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтди.

Сайловларнинг демократик руҳда, миллий қонунчилик ва халқаро андозалар талаблари доирасида ўтишини таъминлаш мақсадида дунёнинг қарийб 40 давлатидан, кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлардан 227 нафар кузатувчи иштирок этди. Юртимиз бўйлаб ташкил этилган 120 сайлов округи ва саккиз мингдан зиёд сайлов участкасида 14 миллиондан зиёд ҳамюртимиз ўз сайлаш ҳуқуқидан фойдаланиши учун барча имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 декабр куни эрталаб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 644-сайлов участкасига овоз бериш учун ташриф буюрди.

- Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, эркин демократик фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ислоҳотлар изчил давом эттирилади, - деди Ислом Каримов журналистлар билан суҳбатда. - Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, деган шиоримизни рўёбга чиқариш учун ана шундай изчиллик билан иш юритамиз.

Икки палатали парламентнинг шакллантирилиши ана шу улуғвор мақсадларимизни рўёбга чиқаришда янада кенг имкониятлар очади.

Юртимиздаги сайлов жараёнларини кузатиб бораётган халқаро кузатувчиларнинг аксарияти Ўзбекистоннинг икки палатали парламент тизимига ўтишини демократияни мустаҳкамлаш ва тараққиётимизни янада юксалтириш йўлидаги янги одим деб баҳоламоқда.

Парламентда жамиятнинг турли қатламлари манфаатлари намоён бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бугун сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлардан сайланадиган депутатлар янги парламентда юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги борасидаги эзгу мақсадлар йўлида самарали фаолият юритишига ишонамиз.

Президентимиз журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

(ЎзА)

САЙЛОВЛАР ДЕМОКРАТИЯ ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ЎТДИ

Халқимиз ҳуқуқий демократик давлат, очиқ фуқаролик жамияти барпо этиш борасида яна бир муҳим қадам қўйди. 26 декабр куни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар мамлакатимиздаги қонунчилик талаблари, демократия, ошкоралик ва трансларентлик принциплари асосида ўтди.

Сайловга ҳар томонлама жиддий ва пухта тайёргарлик кўрилди. Сайлов жараёнининг барча босқичларида хорижий давлатлардан, халқаро ташкилотлардан келган кузатувчилар, экспертлар, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар ва Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази вакиллари иштирок этдилар. Овоз бериш жараёни ҳам улар томонидан синчиклаб кузатиб борилди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - ЎзА мухбирлари хорижий кузатувчиларнинг айримлари билан мулоқотда бўлдилар. Қуйида кузатувчилар билдирган фикр-мулоҳазалар билан танишинг:

Нобухиса ТОМОДА - «Мицуии Ко ЛТД» компанияси халқаро ҳамкорлик департаменти бош менежери (Япония):

- Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларни бевосита кузатяпман. Бўлиб ўтаётган сайловлар юртингизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг халқаро меъёрларга қай даражада жавоб беришини яна бир карра исботламоқда. Беруний ва Элликқалъа туманларидаги сайлов участкаларида бўлиб, овоз бериш жараёни билан танишдим. Шарт-шароитлар халқаро талабларга жавоб беради. Энг муҳими, ҳамма жойда сайловнинг очиқ, ошкора ва ҳалол ўтишига жиддий эътибор берилаётганидир.

Кечаётган сайлов жараёнига ҳеч қандай эътирозим йўқ. Одамлар ўзлари танлаган номзодга овоз беришларини шаффофлик билан амалга оширишаётганини кўрдим. Ўзбекистонда сайловларнинг ўтказилиши ана шундай ривожланиб боришини истаймиз.

Кокимбой ТУРСУНБЕКОВ - Қирғизистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси:

- Халқингизнинг сиёсий фаоллиги одамларнинг мамлакат ҳаётида юз бераётган ўзгаришларга бефарқ эмаслигини кўрсатиб турибди. Жиззах шаҳридаги 22-сайлов участкасида бўлдик. Эрталаб соат еттидаёқ бу ерда жуда кўплаб сайловчиларнинг овоз беришаётганига гувоҳ бўлдик. Улар бу ишни катта қониқиш ва мамнуният билан бажаришар эди. Умуман, икки палатали парламент тизимига ўтилиши демократия йўлидаги яна бир дадил қадам, деб ҳисоблайман.

Даан ДИМАРИ - Индонезия Марказий сайлов комиссияси аъзоси:

- Ўзбекистон мустақиллика эришганига унчалик кўп вақт бўлмаган бўлса-да, катта муваффақиятларга эришибди. Икки палатали парламент тизимига ўтиш демократия йўлидаги муҳим қадамдир. Сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёни ҳам бизга жуда маъқул бўлди.

Юрий КОШЛЕВ - Россия Федерацияси Дипломатия академиясининг биринчи проректори:

- 71-Ангрен округидаги қатор участкаларда бўлдим. Сайловнинг демократик тамойиллар асосида ўтганини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Овоз бериш учун келаётган фуқароларнинг иштиёқи баланд эканига гувоҳ бўлдим. Номзодни ёқлаш эркин бўлиб, овоз бериш вақтида ҳеч қандай ташвиқот-тарғибот ишлари олиб борилгани йўқ.

К.ВАРИКОУ - Жавоҳарлаъл Неру номидаги университет профессори (Ҳиндистон):

- Эрта тонгданоқ ҳамма сайлов участкаларида сайловчиларни учратдим. Бу аҳолининг барча қатлами бугунги жараёнга бефарқ эмаслигидан далолат. Сайловни ўтказиш юқори савияда ташкил этилгани, демократия талабларига мос равишда ўтаётганидан билдимки, Ўзбекистон демократия тамойилларига амал қилмоқда. Гўзал Самарқандни зиёрат қилдим. Пойтахт Тошкентнинг бугунги куни билан танишдим. Тараққиёт сари қадам ташлаётган Ўзбекистоннинг келажаги буюк эканига ишонч ҳосил қилдим.

Чу Же ХВАН - Корея Республикаси Миллий ассамблеяси аъзоси, парламент депутати:

- 10-Астробод округига қарашли бир нечта участкаларда бўлиб, сайлов жараёнини кузатдим. Овоз бериш Жанубий Кореядагига қараганда анча фарқ қилишини кўрдим. Ўзбекистонда сайловчилар бюллетенлардан фойдаланмоқда. Бизда эса компьютер орқали овоз берилади.

Андрей МИШИН - Украина миллий хавфсизлик ва мудофаа Кенгаши - ҳузуридаги халқаро хавфсизлик муаммолари Миллий институтининг - бўлими мудири:

- Ўзбекистонда бўлаётган сайловлар Украинадаги сайловлар билан бир кунга тўғри келди. Ўзбекистондаги сайловларнинг биздаги сайловлардан фарқи шундаки, бу ерда ҳукм сураётган барқарорлик, сиёсий ҳаётдаги муайян эволюцион ривожланиш сайловларнинг тинч йўл билан амалга оширилишини таъминламоқда. Янги Парламентда Ўзбекистон давлатининг ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилади. Икки палатали парламентга илк бор сайлов ўтказилаётгани учун муайян хатоларга йўл қўйилаётган бўлиши мумкин.

Петр ГАРЛЬКЕВИЧ - МДҲ Ижроия қўмитаси маслаҳатчиси (Беларус):

- Мамлакатингизда сайловга тайёргарлик бўйича фақат ижобий фикр айтишим мумкин. Участкаларни сайловга тайёрлашда кабиналар ва бюллетен ташлаш қутилари кузатувчилар учун қулай қилиб кўринарли жойда жойлаштирилган. Одамлар билан суҳбат жараёнида сайловчилардан сайлов қонунларининг бузилиши ҳақида сўрадим. Уларнинг жавобларидан бундай ҳол учрамаганига амин бўлдим. Сайлов участкаларида ҳам бу ҳақда шикоятлар тушмаган. Сайлов ҳақидаги ахборотлар одамларга тўлиқ ва ўз вақтида етказиб берилган. Менимча, мамлакатингизда сайловлар демократик тарзда ўтмоқда. Халқингиз фаол, ҳар бир киши энг муносибларни сайлаш ҳақида жон куйдирмоқда.

Вахтантаро СУСИЛО - Индонезия Ташқи ишлар вазирлиги ходими:

- Сайловлар демократия қонун-қоидаларига риоя қилинган ҳолда ўтяпти. Ҳеч қандай эътирозим йўқ. Сизларга омад тилайман!

Жозеф ГОЛЬДБЛАТ - Жаҳон муаммоларини тадқиқ этиш бўйича Женева халқаро институти вице-президенти (Швейцария):

- Тошкент шаҳридаги 482-сайлов участкасида сайлов жараёни бир маромда, ҳеч қандай қоидабузарликларсиз ўтаётганининг гувоҳи бўлдим. Сайлов қутисини диққат билан кўздан кечирдим. У мустаҳкам пломбаланган, шубҳа ва иккиланишга ҳеч бир асос йўқ. Одамлар сайловларда фаол қатнашмоқда. Ҳали эрталаб бўлишига қарамай қутининг тўлиб кетганини кўрдим. Бу уларнинг мамлакатдаги сиёсий жараёнларга бефарқ эмасликларидан дарак беради. Юртингизга бир неча бор келганман. Ва ҳар гал Ўзбекистонга келишга оид таклифларни бажонидил қабул қиламан. Сафарим чоғида янги ва янги ижобий ўзгаришларнинг гувоҳи бўламан. Энг асосийси эса бу ўзгаришлар аввало одамларингизнинг онги-шуурида рўй бермоқда. Эркинлик, мустақиллик деган ғоялар уларнинг тафаккурида ўз аксини топганини пайқадим.

Беглар ТИВАРДКИЛАДЗЕ - «Лумиге» Рим халқаро маданият гуманитар университети профессори (Италия):

- Сайловда партиялар ва фуқароларнинг фаоллигига кўпроқ эътибор қаратдим. Сайлов жараёнини халқаро норма ва стандартларга мос дейиш мумкин. Камчиликлар ҳам йўқ эмас.

Ёрган БАКЛУНД - ЕХҲТ миссияси вакили:

- Ижтимоий ҳаётда сиёсий партиялар тутган ўрни кун сайин ортиб, фаоллашиб бораётганини кузатиш мумкин, қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг бошқа манбалардан эмас, айнан давлат бюджетидан молиялаштирилиши, менимча, сайловнинг адолатли ва ташкилий жиҳатдан пухта ўтишини таъминлайди.

Юртингизда партияларнинг ҳозирги шаклланиш босқичида бу нарса ниҳоятда зарур, деб ўйлайман. Қолаверса, ушбу жиҳат Ўзбекистондаги амалдаги қонунчиликни халқаро ҳуқуқий нормаларга нечоғли мос эканлигини ҳам кўрсатади. Улар умумэътироф этилган қоидаларга уйғун тарзда яратилган. Номзодларни бошқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва моддий жиҳатдан ўзга тарзда қўллаб-қувватлашнинг қонун йўли билан тақиқланиши эса демократик жамият йўлидан бораётган мамлакатнинг изчил ривожланишини таъминлайди. Шунингдек, мен бир ўзига хосликнинг гувоҳи бўлдим. Фуқаролар мавжуд партиялардан ташқари сайловда иштирок этиш учун ташаббускор гуруҳлардан номзодлар кўрсатиши мумкин экан.

Чанг ХУН - Корея Республикасининг Ўзбекистондаги собиқ Фавқулодда ва мухтор элчиси:

- 10-Астробод округида жойлашган сайлов участкаларидаги жараённи кузатар эканман, овоз берувчиларнинг фаоллигига гувоҳ бўлдим. Уларнинг кўзларида эртанги кунга ишонч ва умид катта. Сайлов юксак даражада ташкил этилган. Бу эса овоз берувчиларнинг ўзи хоҳлаган номзодларга овоз бериши учун қулайлик яратади.

(ЎзА)

САЙЛОВНИНГ ДАСТЛАБКИ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Пойтахтимизнинг «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловнинг дастлабки якунларига бағишланган матбуот конференцияси бўлди. Унда Марказий сайлов комиссиясида аккредитация қилинган мамлакатимиз ва хориж журналистлари, халқаро кузатувчилар иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев сайловда сайловчиларнинг 12 миллион 197 минг 159 нафари, яъни 85,1 фоиз қисми овоз бергани сайловнинг бўлиб ўтганлигидан далолат эканини таъкидлади.

Сайловни ўтказишда Марказий сайлов комиссияси уч босқичдан иборат Ҳаракатлар дастурига асосланиб иш олиб борди. Аввало, сайлов кампаниясини ўтказишга тайёргарлик кўришга алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилнинг июл-август ойлари давомида сайлов тўғрисидаги янги қонунлар қоидаларини аҳолига кенг тушунтириш мақсадида турли анжуманлар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар уюштирилди. Зарур адабиётлар нашр этилди ва жойларга тарқатилди.

Иккинчи босқич сайлов кампанияси бошланиши эълон қилинган кундан эътиборан сайлов жараёни расмий тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ ишларни ўз ичига олди. Хусусан, сайлов округ ва участкалари ташкил этилди ва жиҳозланди, округ ва участка сайлов комиссиялари таркиби тасдиқланди. Сайловга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш доимий эътиборда бўлди.


Ҳозирги, учинчи босқич вазифалари даставвал овозларни санаб чиқиш, округлар ва бутун мамлакат бўйича сайлов якунларини чиқариш билан боғлиқ тадбирларни кўзда тутади. Марказий сайлов комиссияси раиси бу борадаги ишлар қонунда кўзда тутилган тартибда ва муддатларда амалга оширилаётганини қайд этди.

Марказий сайлов комиссиясининг сайлов натижалари тўғрисидаги қарори ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг рўйхати ўн кунлик муддат ичида матбуотда эълон қилинади.

Б.Мустафоев сайловни холис ва кенг ёритишда иштирок этган оммавий ахборот воситалари вакилларига, сайлов жараёнлари демократик руҳда, қонун доирасида, очиқ ва ошкора ўтишини кузатиб борган халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар вакилларига миннатдорлик билдирди.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

(ЎзА)



ТАДБИРКОР

Зуҳра Бийболаева ташаббуси билан Гулистон туманида 90 та янги иш ўрни яратилди

Гулистонда нега корхона йўқ. Нега ўз даламизда етиштирилган маҳсулотни қайта ишламаймиз? Бу ҳақли савол туманда кўп бора кўтарилди. Дўппини бир ёнга қўйиб ўйлаб кўрганлар ҳам бўлди. Аммо чиранишдан натижа чиқмас экан. Ахир, ҳамма ҳам бир тахлит уддабуроң, уқувли эмас. Тадбиркорлар орасида Зуҳра Бийболаева режаси анча пишиқ-пухта эди. Эътиборлиси уддабурон аёл ўз корхонасини очиш, кўпчиликка фойда келтириш йўлида анчадан буён изланаётганди. Аввало у мутасадди раҳбарлар билан тил топишди. Марказда эшигига қулф урилиб турган савдо мажмуасига жон ато этишга уринди. Кейинги босқич эса ҳамкорлар топиш, лойиҳани молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватловчилар ишончини қозониш эди. Корхона истиқболига «Раллабанк» вилоят бўлими ишонч билдириб, 10 миллион сўм миқдоридаги кредит ажратди. «Тадбиркор аёл» уюшмаси қошидаги «Омад» кредит уюшмаси эса 7 миллион сўмлик маблағ билан таъминлади. Етарли маблағ заҳираси яратилгач ишлар юришиб кетди. 24 та тўқув, қуритиш, ёйиб тортиш ва гул босадиган дастгоҳлар харид қилинди. Ишчи кучи эса муаммо эмас. Қўрғонда ҳар қандай ишни бажаришга қодир, иш ахтараётган аёллар сероб.

Фаолиятнинг илк кунлариданоқ 45 нафар қиз-жувон ишга жалб этилди. Иш уч сменада ташкил этилди. Маҳсулот сифатига кафолат бор. Корхонада ишлаб чиқарилаётган уч хилдаги чит матолари, пишиқ тўқилиши, ранго ранг жилоси-ю сифати билан ажралиб турибди. Бир сменада тўқувчи қизлар 2400 метр чит тўқишга эришаяпти. Бу ерда ишлаётганлар учун барча шарт-шароит яратилган. Кийиниш, дам олиш хоналари мавжуд. Ходимлар ойлик маош олиши кафолати яратилган. Эътироф этиш даркор, тайёр маҳсулотни жойлаш ва бошқа бир қатор цехлар иш бошлагач тўқув фабрикаси ходимлари сони 90 кишини ташкил этиши кўзда тутилган.

– Туманимизда иш бошлаган илк тўқимачилик фабрикаси бу борадаги ҳаракатларимиз дебочасидир, - дейди агросаноат мажмуи ходимлари туман қўмитаси раиси Юсуф Ўтаганов. – Ҳар бир қишлоқ ва маҳаллага ана шундай кичик саноат корхонаси керак. Биз бунга эришсакгина қишлоқларимиздаги ишсизлик муаммосига барҳам бериш имконига эга бўламиз. Айни чоғда бу йўналишда тинмай изланаяпмиз.

«Зуҳра Тўқимачи» фабрикаси бугун нафақат гулистонликлар, балки вилоят аҳли эътиборига тушди. Янги йил арафасида иш бошлаган корхона келгусида 6 хил маҳсулот ишлаб чиқариб, мирзачўлликлар эҳтиёжини тўла қоплаш илинжида бел боғлашган.

Н.ФАХРИДДИНОВ, «Ишонч» мухбири

САЛОМАТЛИК – БАХТУ САОДАТ КАЛИТИ

– Мустақиллик чин маънода тиббиёт соҳасида ҳам халқимизнинг энг ибратли, ўзбекона анъаналарига қайтиш, уларни тиклаш ва замонавий тиббиётнинг илғор усуллари билан уйғунлаштирган ҳолда бойитиб, амалиётга татбиқ этиш имконини берди, – дейди Гулистон шаҳар туғруқ комплекси бош шифокори, «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибаси Марям Ҳожиматова.

Марям опа бундан 38 йил муқаддам тиббиёт институтини битириб, янги ишга келган пайтида юз берган бир воқеани кўп эслайди.

– Ўшанда тиббиёт соҳасида миллий кадрлар жуда оз эди. Янги ишга келган кунларим шу ерда бир умр яшаб, ишлаган шифокорлар бир сурат кўрсатишди. Унда ўзбек аёли уйида кўз ёраётган лаҳзалар муҳрланганди.

Мана сизнинг ўзбекларингиз қанақа, дейишганди менга масхаромуз оҳангда.

– Қарангки, халқимизнинг ҳомиладор аёлни асраб-авайлаши, ҳомиладорликни касаллик деб эмас, табиий жараён деб билиб, унинг имкон қадар табиий кечиши ва туғруқ пайтида аёлга иложи борича ўзининг оиласидаги каби шароит ва муҳит яратилиши, чақалоқни дунёга келган заҳоти она бағрига бериб шу лаҳзалардаёқ ўғиз сутидан бахраманд этиш каби анъаналари XX аср охири, XXI аср бошларига келиб бутун дунёда оналар ва болалар ўлимини камайтириш, туғруқ жараёнида она ва болада асорат қолдириши мумкин бўлган ҳолатларнинг олдини олиш ёки камайтириш, аёл жисмининг туғруқдан сўнг тез тикланиши, гўдакнинг жисмонан, ҳам маънан соғлом улғайиши учун энг тўғри йўллар эканлигини замонавий тиббиёт фани исботлади. Зеро, кейинги йилларда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тарғиб ва тавсия қилаётган тиббиёти тараққий этган мамлакатларда амалга киритилган «Бехатар оналик» дастурининг моҳиятида юқорида саналган тартиб-қоидалар ётади.

Катта ўрта авлод вакиллари яхши биладилар. Шўро тузуми даврида янги дунёга келган чақалоқларни туғруқхонада бир неча кун онасидан ажратиб, ўз онасининг сути бўла туриб, болали бошқа аёллардан соғиб олинган аралаш сутлар билан боқилиши ақлу мушоҳадаси соғлом инсонларнинг биротасига ёқмасди. Кекса момолар онанинг ўғиз сутидан бахраманд бўлмаслик чақалоқларнинг илиги тўқ, меҳру муҳаббатини бутун қиладиган энг бебаҳо неъматдан бенасиб қолдириш эканлиги ҳақида куйиб-ёниб, алам билан гапирардилар. Лекин... у даврда тиббиётимиз илми ҳам, амалиёти ҳам гўё мустамлака қилинган, аёлни оналикка эмас, ишчи кучи қилиб тайёрлашга мослаштирилганди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшовчи ҳар бир инсон саломатлигига эътибор, ғамхўрлик Давлатимиз ички сиёсатининг бош йўналишларидан бўлиб қолди. Бунинг исботи аввало тиббиётни халққа яқинлаштириш борасида амалга оширилган ва оширилаётган тадбирларда кўринади. Маълумки, беморнинг ўз вақтида шифокорга мурожаат қилиши аҳамиятли, зеро, бу нарса беморнинг ўзигагина боғлиқ бўлмай, шифохонанинг олис ёки яқинлиги ва у ерга етиб олиш имкониятларига ҳам боғлиқ.

Статистик маълумотларга қараганда, тиббиётдаги энг оғир муаммо – оналар ва болалар ўлимининг асосий қисми чекка ҳудудларга тўғри келади. Сабаби, шўро тузуми даврида чекка туманлар, олис тоғлик қишлоқлар аҳолиси зарур бўлганда малакали тиббиёт хизмати олиш имкониятига эга эмасди. Бирламчи фельдшерлик пунктлари на малакали мутахассиса ва на тиббиёт асбоб-анжомга эга эди. Бу фикрни узоқ давом эттириш мумкин, аммо фойдаси йўқ.

(Давоми 2-бетда)

Янги йил байрами арафасида Наманган шаҳри аҳолиси ажойиб совға олди. Бешта энг серқатнов йўналишда 46 та янги «ЎзОтайўл» автобуси йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади.


НАМАНГАНЛИКЛАРГА АЖОЙИБ СОВҒА


Мамлакатимиз раҳбарияти кўмагида бу қулай автобуслар «Ўзавтосаноат» компанияси томонидан шаҳарга имтиёзли шартлар асосида берилди. Янги техникадан фойдаланиш учун махсус автокорхона - Наманган «Автотеххизмат» АЖ ҳузурида «Наманган Отайўл МЧЖ» тузилди.

Йўл ҳақининг пастлиги ҳам йўловчилар учун кутилмаган янгилик бўлди - талабалар учун 50 сўм, мактаб ўқувчилари учун бепул. Бепул юриш ҳуқуқига эга шахслардан ҳам йўлкира олинмайди.

Ҳар бир автобусда танлов асосида сараланган тажрибали икки ҳайдовчи икки сменада ишлайди. Ҳайдовчилар махсус кийим кийган -галстук ва костюм, кўкрагида исми шарифи ёзилган бейжик.

(ЎзА)





ЯКДИЛЛИК

Тонготардаёқ 32-ўрта мактаб биноси сайловчилар билан гавжум бўла бошлади. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларда сайлов ўтказувчи 18-Далварзин сайлов округи, шунингдек 409-участка сайлов комиссиялари шу ерда жойлашганди. Округ сайлов комиссияси раиси Абдураҳимжон Алимов соат миллари олтига яқинлашиши билан овоз бериш бошланганлигини эълон қилди. Биринчи бўлиб рўйхатдан Беруний кўчасида истиқомат қилувчи кекса ўқитувчи Муталлиб ота Бегматов ўтди. Нуроний ўз фуқаролик бурчини адо этиб бўлгач, суҳбатга тортдик. Таъкидлашича, ўз номзодини танлаш учун номзодлар билан бўлган ҳар бир учрашувда иштирок этибди, матбуотда ёритилган мақолаларни синчиклаб назардан ўтказибди. Ота ёш, иқтидорли, амалдаги қонунларимизни яхши биладиган номзодга овоз берганидан хурсанд.

Сайлов участкаси томон келаётганлар орасида ёшлар, аёллар кўпчиликни ташкил этарди. Ҳар бирларининг қатъий ҳаракат қилишлари жараёнлар билан пухта таниш эканликларини билдирарди. Номзодларнинг ишончли вакиллари, жамоатчи кузатувчилар ҳам овоз беришнинг боришини зийраклик билан кузатиб боришди.

Округ биносига ўз фуқаролик бурчини адо этгани эндигина 18 баҳорни қаршилаган Уйғур кўчасида яшовчи Акмалжон Матқурбонов кириб келди. Комиссия аъзоларидан Тошлоқ маҳалла фуқаролар йиғини раиси Саодатхон Даминова унга пешвоз чиқиб рўйхатдан ўтишга, бюллетенлар билан таъминланишга кўмаклашди. Унинг маълум қилишича округ бўйича 60 нафар ана шундай ёш сайловчи илк бор овоз берибди.

Округ сайлов комиссиясига Мадаминов кўчасида истиқомат қилувчи сайловчи, иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Камолиддин Соибов тўсатдан касал бўлиб қолганлиги ҳақида хабар келди. Участка сайлов комиссияси раиси Муҳаммаджон Остонов бошчилигидаги гуруҳ навбатчи машинага ўтириб, овоз бериш қутиси билан бемор ҳузурига жўнаб кетишди.

Муҳим сиёсий тадбирга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилганлиги боис куннинг биринчи ярмидаёқ мазкур округ бўйича аксарият сайловчилар овоз бериб бўлишганди.

С. РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

ДЕМОКРАТИЯ ЙЎЛИДАН ЯНА БИР ДАДИЛ ҚАДАМ

Икки палатали парламентга ўтказилган сайлов фидокор халқимизнинг демократия йўлидан қўйган яна бир дадил қадами бўлди. Сайлов мамлакатимиз қонунчилиги ва халқаро андозаларга мос руҳда ўтди. Буни кузатувчилар фикри, хулосаларидан ҳам билиш мумкин эди. Эътиборлиси шуки, сайловда республикамиздаги беш партиядан, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан кўрсатилган номзодларнинг ғалаба учун кураши мавжуд сиёсий муҳитнинг соғломлигидан яна бир бора далолат берди.

Жиззах шаҳридаги «Оққўрғонлик» маҳалла гузарида жойлашган 26-сайлов участкасида 26 декабр куни бўлганимизда юқоридаги фикр-мулоҳазаларнинг шоҳиди бўлдик. Бу ерда ҳам сайлов ошкора ва ҳалол ўтди. 2670 нафар сайловчи куннинг биринчи ярмидаёқ ўз фуқаролик бурчини шараф билан адо этдилар.

А.АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири

ИЛК БОР ОВОЗ БЕРДИЛАР

Депутатликка номзодлар орасида муносиблари жуда кўп эди. Гап ана шу муносибини танлай билишда қолганди. Қувончлиси шуки, Мирзаобод туманидаги 116-Наврўз сайлов участкасига келувчилар бу саволга жавоб топишда унча қийналмадилар. Сайлов қутиси ёнига келаётган ҳар бир фуқаро ким учун овоз бераётганини яхши биларди. Номзодининг барча жиҳатларини пухта ўзлаштириб олган эди. Шу боисдан жараён уюшқоқлик билан кечди. Бу ерга келувчилар орасида меҳнат фахрийлари, турли соҳа кишилари билан бирга ёшлар ҳам кўпчиликни ташкил этарди. Илк бир овоз бериш ёш сайловчи Зарифа Жўраевага насиб этди.

– Сайловда илк бор иштирок этаётганлигимдан хурсандман, - дейди у. – Ишончим комил номзод танлашда янглишмадим. Тўғри хулосага келиш учун депутатликка номзодларнинг дастурлари билан яқиндан танишдим. Уларнинг кучли жиҳатларини теран илғашга ҳаракат қилдим. Бошқа дугоналарим ҳам шундай йўл тутишди. Ҳаммамиз биргаликда юртимиз эртасини яратадиган энг фозил одамлар – муносиб номзодлар учун овоз бердик.

Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказиладиган кунни барча ҳаяжон билан кутди. Ҳамма жойда бу муҳим сиёсий тадбирга қизғин ва пухта тараддуд кўрилди. Сайлов тизимидаги янгиликларга ҳам, муносиб номзодларни сайлашга ҳам фуқаролар ўта масъулият ила муносабатда бўлишди.

Айниқса Нуробод туманидаги 306-Нуробод сайлов участкаси сайловчилар билан гавжум бўлди. Фуқаролар бу ерда ўзларини қизиқтирган сайловга оид барча маълумотларни олишди. Тегишли қонунлар, адабиётлар, қўлланмалар, Марказий сайлов комиссиясининг матбуотда эълон қилинган ахборотлари сайловчилар фойдаланиши учун қулай ҳолда жойлаштирилди. Комиссия аъзолари, мутасаддилар, навбатчилар уларнинг саволларига батафсил жавоб бердилар. Тарғибот гуруҳи маҳаллаларда фаол иш олиб борганлиги номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари ушбу муҳим сиёсий тадбирни уюшқоқлик билан ўтишини таъминлади.

Тонг саҳарданоқ масъулиятни чуқур англаган кексаю ёш ўз фуқаролик бурчини адо этиш, муносиб номзодларга овоз бериш учун келдилар.

Бу ерда овоз бериш учун жуда қулай шароитлар яратилганини барча эътироф этди. Участка сайлов комиссияси раиси Эшнор Суюнов таъкидладики, мамлакат ҳаётида жуда муҳим бўлган бу сайловларга ҳар қачонгидан пухта ҳозирлик кўрилди. Фуқароларнинг фаоллиги ҳам юқори бўлди. Буларнинг барчаси демократия ва ижтимоий фаоллик натижаси, деб баҳоланди.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири

ОНА ЎЗБЕКИСТОН РАВНАҚИ УЧУН

Нишонлик чорвадорлар мамлакатимизда кечаётган сиёсий жараёнлар моҳиятини теран англаган ҳолда халқимизнинг муносиб номзодлари учун яқдиллик ва уюшқоқлик билан овоз бердилар.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга сайлов ўтказувчи 504-темирйўл сайлов участкаси эрта тонгданоқ одамлар билан гавжум бўлди. Сайловни орзиқиб кутган кексаю ёш биринкетин ўзларининг фуқаролик бурчини ўташга киришдилар.

Кўрилган тайёргарлик, ташвиқот-тарғибот ишлари ўз самарасини берди. Тушга қадар участка ҳудудидаги 2233 сайловчининг деярли барчаси овоз бериб бўлишди.

90 ёшни қоралаган, умрини элюрт чорвасига бағишлаган Эркабобо Эркаев, Холбой ота Соҳибов, Файзи бобо Ҳасанов, Шербой ота Жияновлар биринчилар қаторида овоз берар эканлар, олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлардан мамнунликларини изҳор этдилар.

Ўзининг фуқаролик бурчини илк бор ўтаётган 86 нафар ёш сайловчининг биринчилар қаторида овоз берганлиги ёшларнинг сиёсий фаоллиги ошганлигини яна бир бор намоён қилди.

– Юртимиз истиқболи ва порлоқ келажагимиз учун овоз бераётганлигимдан фахрланаман, – дейди ёш сайловчи Лола Норбоева.

Нафақат нишонлик чорвадорлар балки Муборак ва Шўртан газчилари, қадимий ва ҳамиша навқирон Шаҳрисабз ва Қарши саноатчилари, Чироқчи ғаллакорлари, Яккабоғ ва Китоб боғбону миришкорларининг фаоллиги бу йилги сайловларда янада ёркин намоён бўлди.

И.ИСОМИДДИНОВ,
«Ишонч» мухбири

САЛОМАТЛИК – БАХТУ САОДАТ КАЛИТИ

(Боши 1-бетда)

Бугунги кунда эса олис чекка қишлоқларда қурилиб, халқ хизматига топширилган қишлоқ врачлик пунктларининг биноларидан тортиб шифокорлар кабинетларию, муолажа хоналаригача замонавий талабларга жавоб беради. У ерда хизмат қилаётган тиббиёт ходимлари республикамиз пойтахтида, чет мамлакатларда билим, малака, тажриба ошириб келганлар. Қишлоқ аҳолиси мана шу ерда биринчи малакали тиббий хизматни олиши мумкин. Болаларни эмлаш хоналари зарурий барча жиҳозлар билан таъминланган. Айниқса, ҳомиладор аёллар, ёш болали оналар учун шароитларнинг аҳамияти беқиёс.

– Аввалари, кутилмаганда аёлни тўлғоқ тутиб қолса ёки ёш болаларимиз қаттиқ бетоб бўлиб қолса, туман марказига тез олиб бориш учун машина топиш ҳам осонмасди. Ўн-ўн беш чақирим йўлни пиёда босиб ўтгунча бола нобуд бўлиш ҳоллари кам эмасди, деб эслайди кексалар. – Мана энди қишлоғимизнинг ўзида шифокорлар, даволаниш учун шароитлар етарли. Бунинг қадрига етиш керак...

Дарҳақиқат, дори-дармон қадрини дард чекканлар яхши биладилар. Бугунги ёш оналар бундан 20-30 йиллар муқаддам фарзанд кўрган аёлга атиги икки ойгина ҳомиладорлик таътили берилгани, кўзи ёриган она вужудининг тикланиши, боласини она сутига тўйдириб катта қилиши учун ҳеч қандай шароит, имтиёзлар бўлмаганини тасаввур ҳам қила олмасалар керак.

Миллат баркамоллиги соғлом авлоддан, соғлом авлод эса жисму руҳи, маънавияти соғлом оналардан вужудга келади. Юқорида айтилган фикр, яъни оналар саломатлигига умуман эътибор қаратилмаганининг қонуний оқибатлари сифатида ўша даврда республикамиздаги оналар ва болалар ўлими кўрсаткичи иттифоқда доимо юқори қаторлардан бирини эгаллаб келарди. 2000 йилларга келиб мамлакатимизда бу кўрсаткичлар ўтган асрнинг 90-йилларидагига нисбатан икки-уч баробар камайди. Аммо бу билан кўнгил хотиржамликка, кўрсаткичлар ижобий томонга ўзгаряпти, деб ишлардан қониқиш ҳосил қилмоққа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ҳар бир аёл оиланинг офтоби: тўққиз ой давомида бағрида не орзу-умидлар, билан ҳомила кўтарган аёл бахтиёр она бўлмоқни истайди. Шунинг учун аҳолини имкон қадар касалликлардан муҳофаза қилиш, дардни вақтида даволаш, нохуш ҳолатларнинг олдини олиш чораларини кўриш инсонпарвар тузумнинг муқаддас мақсад, вазифаларидан бўлиб қолаверади.

Яратилган шароит, имкониятлардан ўз вақтида оқилона фойдаланиш ҳар бир инсоннинг онглилиги, маданий савиясига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан қараганда бугун юртдошларимизнинг барчаси ҳам мамлакатимизда тиббиётни ислоҳ қилиш бўйича Давлат дастури асосида ҳаётимизга кириб келган янгиликлар, имкониятлардан тўлиқ фойдаланаяптилар, деб айта олмаймиз. Ҳамон касалликлари зўриқиб кетгандагина шифокорга учрайдиганлар, касалликни билиб-билмай ўзи даволашга уринадиганлар ва ҳаттоки, шифокор томонидан берилган асосли маслаҳатларга риоя қилмайдиганлар ози эмас. Айниқса, ёшларни оила қуришдан аввал соғломлаштиришнинг аҳамиятини ҳис қилмаслик ёки ҳомиладор аёлнинг экстрагенетал касалликларини вақтида аниқлаб даволатмасликнинг оғир оқибатлари ҳаммамизни ҳушёрликка чорлайди.

2005 йилни Сиҳат-саломатлик йили, деб номлашни таклиф қилар экан, Юртбошимиз ҳар бир инсон соғ-саломатлиги унинг ўзўзига эътибори, ғамхўрлигидан бошланишига алоҳида урғу берганлари бежиз эмас.

Янги йил тақдиримизнинг янги саҳифаларини очмоққа шошилмоқда. Аввало у билан юзлашмоқ, яшамоқ, яхши орзу ниятларга соғу саломатлик билан эришмоқ насиб этсин. Янги йилда ҳар бир хонадонга соғлом турмуш тарзи, сиҳат-саломатлик ёр бўлсин. Зеро, ёруғ оламда инсон учун соғликдан ортиқроқ бахту саодат калити топилмас.

Муҳтарама УЛУҒ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИГА ЭЪТИБОР

9 та қишлоқ врачлик пункти

Андижон вилоятининг Улуғнор туманидаги тўққизта қишлоқ врачлик пункти 84 минг АҚШ доллари қийматига эга замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланди.

Мазкур хайрли иш Жаҳон банки молиялаштирган "Здрав Плюс" лойиҳаси доирасида амалга оширилди. Келгуси йилда Сариқсув, Ўзбекистон, Тераказор қишлоғида янги қишлоқ врачлик пункти қуриш режалаштирилган. Шунингдек, фаолият кўрсатаётган тўртта шифохона тўла таъмирдан чиқарилади. Туман ҳокимлиги эса маҳаллий ҳомийлар кўмагида даволаш муассасаларига ёрдам бериб туришни ўз зиммасига олди.

Бунга қўшимча 2006 йилгача қишлоқ врачлик пунктларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга йўналтирилган "Саломатлик-2" дастурини бажариш бўйича тайёргарлик ишлари олиб бориляпти. Бу дастурга кўра, республикамиздаги ўқув марказларида ва хорижда тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш кўзда тутилган.

— Қирқ беш минг нафардан зиёд кишига 500 нафар тиббиёт ходими хизмат қиляпти. Шуларнинг 58 нафари юқори малакали шифокордир, — деди туман марказий шифохонаси бош врачи Абдуқодир Соибжонов.— Уларнинг асосий вазифаси қўриқ ер аҳолисига малакали тиббий хизмат кўрсатишдан иборат.

ЯНГИ ҚУРИЛМА, БЕҚИЁС ҚУЛАЙЛИКЛАР

Андижон вилоятидаги Чўлпон номли ширкат хўжалиги ҳудудида газ тақсимловчи янги автомат станция ишга туширилди.

Бу қурилма туман марказини ҳамда учта ширкат хўжалигини табиий газ билан таъминлайди. Бу газ тақсимлаш станцияси "Олтин водий" фирмаси томонидан белгиланган муддатда ва сифатли қуриб битказилди. Аҳоли қиш ойларини газ пасайиши муаммоларисиз ўтказмоқда.



Ҳазорасп туман «Саноат» қўрғонидаги «Шихёп» қишлоқ врачлик пунктида даволанувчилар учун барча шароитлар яратилган. Кенг ва ёруғ хоналар қаттиқ ва юмшоқ мебеллар билан жиҳозланиб, даволаш ускуналари билан таъминланган. Кундузги стационарда даволанувчилар учун ҳам барча қулайликлар муҳайё этилган.

Суратда: ҚВП мудираси олий тоифали шифокор Хуршида Матниёзова (ўртада) ҳамширалар Зуҳра ва Шаҳло Матназаровалар билан.

Б.ЭРНАФАСОВ олган сурат

Тошкентда Ижтимоий ва маркетинг тадқиқотлари агентлиги томонидан тўрт йилдан буён республикамизда ўтказилаётган "Йил танлови" фестивалининг жорий йилдаги якуний босқичи ва ғолибларни аниқлаш маросими ўтказилди.

"ЙИЛ ТАНЛОВИ-2004"

Ўзбекистонда 2001 йилдан бўён ўтказилаётган йил танлови фестивали Республикамиз истеъмолчиларини кенг кўламдаги ва энг сифатли маҳсулотлар билан таништиришга қаратилган. Шу билан бирга танлов маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўртасида ўзаро яқин муносабатларни йўлга қўйишга хизмат қилмоқда. Фестивалнинг нуфузи ва фаолият кўлами йил сайин кенгаймоқда. Жумладан, ўтган йили танлов сўровномалари Республикамизнинг тўрт вилоятида ўтказилган бўлса, бу йил Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Навоий, Андижон ва Фарғона каби еттита вилоят аҳолиси ўртасида ўтказилди.

"Йил танлови-2004" фестивалида ўнта йўналиш бўйича ғолиблар аниқланди. Энг яхши телекоммуникацион алоқа хизмати бўйича "Юнител" қўшма корхонаси, Ўзбекистонда ишлаб чиқилган энг яхши музқаймоқ "Сингапур—Самарқанд" қўшма корхонасига насиб этди. Шунингдек, энг яхши салқин ичимлик, энг яхши сут маҳсулотлари, энг яхши гигиеник воситаси каби йўналишларда ҳам ғолиблар аниқланди. Ўнта йўналиш бўйича ғолибликни қўлга киритган компаниялар Европа қитъасида ўтказиладиган "Йил танлови" форумида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишди.

"Туркистон-пресс"

ВАЪДА БИЛАН УЙ ИСИМАЙДИ

– Уйларимиз қачон исийди? – дея ҳақли талаб қўяди таҳририятнинг Қаршидаги қабулхонасига келган фуқаро.

– Газ босимининг пастлиги ва электр энергияси таъминотидаги узилишларнинг охири борми? – деб ёзишади Бешкентнинг Алишер Навоий маҳалласи Мустақиллик кўчасида яшовчи кариялар.

Қиш ғамини ёзда е, деб бежиз айтилмаган. Мавсумга ҳар томонлама ҳозирлик кўрганлар совуқ кунларда қийналиб қолишмайди. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 майдаги «Республика иқтисодиёт тармоқларини 2004-2005 йил куз, қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, ўқув юртлари, касалхоналар, шифохоналар, аҳоли уй-жойларини узлуксиз иссиқлик билан таъмин этиш вазифалари белгилаб берилган эди.

Қашқадарёда мавсумга қандай тайёргарлик кўрилди? Вилоят ҳокимлигининг доимий эътибори туфайли иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий муассасаларнинг қишки мавсумда бенуқсон ишлашига қаратилган тадбирлар белгиланиб, бир қатор ишлар амалга оширилди. Воҳадаги 32 та қозонхона жорий, 4 таси мукаммал таъмирланди. Қарийб 12 километрлик иссиқлик тармоқлари, 6,1 километр сув ва 45,3 километр газ қувурлари таъмирдан чиқарилди. Касб-ҳунар коллежлари, мактаблар, болалар боғчалари ва шифохоналар ҳам қишга сифатли тайёрланди. Мавсум учун 18,6 минг тонна кўмир, 1,9 минг тонна суюқ ёқилғи, 0,1 минг тонна техник туз жамғарилди.

Қиш қишлигини қилади. Ҳавонинг совиб кетиши хизмат кўрсатувчилар ва истеъмолчилар учун анча ташвиш келтирди.

Ташкилот ва муассасалар, аҳоли уй-жойларининг иситилиши талабга жавоб бермаслиги маълум бўлиб қолди. «Вилоят иссиқлик манбаи» очиқ акциядорлик жамияти мутахассисларининг маълум қилишича, уйлар ва ташкилотларнинг бир маромда иситилмаслигига асосан газ босимининг пастлиги сабаб бўлмоқда.

Ушбу ташкилот воҳадаги 39 та мактаб, 46 та болалар боғчаси, 41 та шифохона ва поликлиникалар, 25 та касб-ҳунар коллежлари, юздан ортиқ кўп қаватли уйларга иссиқлик етказиб бериш керак. Жамиятга қарашли 70 та қозонхонанинг 22 таси Қарши шаҳрида жойлашган бўлиб, улар ҳам бир меъёрда ишлай олмаяпти.

Қозонхоналарда ўртача 35-40 даражада иситилаётган сув истеъмолчиларга етиб боргунча совиб қолмоқда. Бир кечакундузда 50 минг куб.метр ўрнига 10-11 минг куб.метр газ бериляпти, холос. «Пахтазор» қўрғонидаги 32,35,38-уйлар, 6- ва 8-митти туманлардаги турар жойларга иссиқлик тўлиқ етиб бормаяпти. Ҳолбуки, «Иссиқлик манбаи» қозонхоналарини мавсумга тайёрлаш учун 150 миллион сўмлик мукаммал ва жорий таъмирлаш ишлари олиб борилиб, иккинчи қозонхонадаги 1972 йилда ўрнатилган ускуналар янгисига алмаштирилган эди.

Вилоятнинг Китоб, Шаҳрисабз, Миришкор, Нишон, Қамаши туманларидаги қозонхоналар газ босимининг пастлиги туфайли тўла қувват билан ишламаяпти.

Бешкент шаҳри Мустақиллик кўчасида туни билан электр чироқлари ёнмайди, – дейди Алишер Навоий маҳалласида яшовчи З.Нурмаматова, Г.Эркаева, Л.Муракаева каби фуқаролар. – Табиий газ босимининг пастлиги туфайли уйларимизда иссиқлик ҳам етарли эмас.

Олинган маълумотларга қараганда, Қамаши, Ғузор, Яккабоғ, Чироқчи, Шаҳрисабз ва Китоб туманлари «зангори олов» олаётган 125 километрли Шўртан-Шаҳрисабз магистрал газ қувуридан лойиҳадаги 55 килограмм ўрнига 32 килограмм босимда газ бериляпти. Бунинг оқибатида газ тақсимлаш қурилмаларидан чиқаётган босим 0,5-1 килограммдан ошмаяпти. Ҳолбуки, истеъмолчиларни етарли миқдорда таъминлаш учун қурилмалардан чиқаётган газ босими лойиҳа бўйича 18 килограмга тенг бўлиши керак. Бундай ҳолатни Косон, Касби, Миришкор туманларини таъминлайдиган Шўртан-Муборак магистралида ҳам кузатиш мумкин.

Буниси ҳали ҳаммаси эмас. Вилоят маркази ва туманлар аҳолисига ичимлик суви етказиб беришда ҳам жиддий камчиликлар мавжуд. Биргина Қарши шаҳрининг Бўстон маҳалласидаги 12 та, Маҳсумобод маҳалласидаги 8 та, Маҳтумқули маҳалласидаги 7 та, Наврўз маҳалласидаги 4 та, Рогузар маҳалласидаги 2 та кўчага тўлиқ сув етиб бормаяпти.

Шаҳар аҳолисининг ўсиши ва оби ҳаётга бўлган эҳтиёжнинг кўпайиши муносабати билан Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 мартдаги «Осиё Тараққиёт банки» иштирокида Гулистон, Жиззах ва Қарши шаҳарларининг сув таъминоти тизилишини такомиллаштириш лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан 31 миллион АҚШ доллари миқдорида қурилиш-ускуналаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган. 2005-2006 йилларда шаҳарда 12 та насос станцияси таъмирланади, 60 километрли эскирган сув тармоқлари алмаштирилади, 4 та тоза сув ҳавзаси, 40 километрли янги ичимлик суви тармоқлари қурилади. Хонадонларга 29300 дона сув ўлчаш асбоблари ўрнатилади. Демак, 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўраётган қадимий ва ҳамиша навқирон Қарши шаҳри аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашда катта ижобий ўзгаришлар бўлишига ишониш мумкин.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Излаган имкон топади, дейдилар. Ўз навбатида корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари, уй-жой ширкати мутасаддилари ҳам «олма пиш, оғзимга туш» қабилида қўл қовуштириб турмасдан табиий газ, ичимлик суви, иссиқлик ва электр энергиясидан қарзларини вақтида тўлашни ташкил этиб, мавсумга пухта ҳозирлик кўрганларида бундай ташвишли ҳол рўй бермасмиди. Ҳар ҳолда ваъдалар тафтида исиниб бўлмаслиги ёшу қарига яхши маълум.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

«Ишонч» фош этади

ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

Саволларингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради



САВОЛ: иш берувчига барча ходимлар билан муддатли меҳнат шартномаси тузиш ҳуқуқи берилганми? Агар иш берувчи меҳнат шартномаси тузишда ёки ходим ишлаётган даврида у билан маълум бир муддатга меҳнат шартномаси тузиш тўғрисида буйруқ чиқарса, буни қандай баҳолаш керак бўлади? Муддатли меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида маълумот берсангиз.

Н. ҲАКИМОВ,
Фориш тумани

ЖАВОБ: меҳнат шартномасини тузишда иш берувчи Меҳнат Кодексининг 72 - 76-моддалари талабларига тўлиқ амал қилмоғи зарур.

Бир хил кучга эга бўлган меҳнат шартномаси ёзма шаклда камида икки нусхада тузилади ва у иш берувчига ҳамда ишга кирувчи шахсга сақлаш учун топширилади.

Меҳнат шартномаси ходим ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг имзолари билан мустаҳкамланади ҳамда мансабдор шахснинг имзоси муассасаси муҳри билан тасдиқланади.

Қонунда меҳнат шартномасининг муддати уч хил бўлишлиги кўрсатиб ўтилган. Меҳнат шартномалари:

- номуайян муддатга (муддатсиз);
- беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга;
- муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилиши мумкин.

Муассаса раҳбарлари қонунчиликни яхши ўзлаштирмаганликлари туфайли ходимларни ишга қабул қилиш даврида ва иш давомида қонунга риоя қилмаган ҳолда ходим билан муддатли меҳнат шартномаси тузадилар. Сабаб, бу иш берувчи учун ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишнинг энг осон усули ҳисобланади.

Яъни меҳнат шартномасининг муддати тугаши муносабати билан Меҳнат Кодексининг 105-моддасига асосланиб, ходимни вазифасидан озод қилади. Бу нотўғри. Иш берувчининг барча ходим билан муддатли меҳнат шартномаси тузиши мумкин эмаслиги Қонунда белгилаб қўйилган. Шунинг учун ҳам меҳнат Кодексига алоҳида қилиб 76-модда, яъни иш берувчининг муддатли меҳнат шартномасини тузиш ҳуқуқини чеклаш киритилган.

Меҳнат Кодексининг 76-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 12 майдаги Қонунига асосан муддатли меҳнат шартномалари:

- бажарилажак ишнинг хусусияти, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган тарзда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда;
- корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини бажарувчи ходим билан;
- қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда тузилиши мумкин.

Демак, Қонуннинг талабидан кўриниб турибдики, доимий бўш лавозимга муддатли меҳнат шартномаси тузган ҳолда ходимни ишга қабул қилиб бўлмайди. Вақтинчалик ишда бўлмаган (таътилда бўлиши, вақтинчалик меҳнатга қобилиятсиз даврида ва узрли сабабларга кўра) ходимларнинг ўрнига ишга қабул қилинганда ҳамда ходимнинг аризасига мувофиқ ва юқорида кўрсатиб ўтилган ҳоллардагина ходим билан беш йилгача бўлган муддатли меҳнат шартномаси тузилади. Агар бу талаб бажарилмаса, Меҳнат Кодексининг 5-моддасига асосан бу тузилган шартнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг розилигисиз муайян муддатга, шунингдек, муайян ишнинг бажарилажак вақтига мўлжаллаб қайта тузилиши мумкин эмас. Беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга ҳамда муайян ишни бажариш учун мўлжаллаб тузилган шартномалар муддатли меҳнат шартномаси деб тушунилади. Муайян муддатга ёки муайян ишни бажариш вақти учун тузилган меҳнат шартномасини тўхтатишнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Шартномани тўхтатиш учун битта шарт, яъни шартнома муддатининг тугаганлиги кифоядир.

Меҳнат Кодексининг 105-моддаси иш берувчи ва ходимга ҳам меҳнат шартномаси муддати тугаган кундан кейинги бир ҳафта ичида тугатиш имконини беради. Меҳнат муносабатлари шартнома муддати ўтганидан кейин ҳам давом этаётган бўлса ва томонлардан бирортаси ҳам бир ҳафта давомида шартномани тўхтатишни талаб қилмаса, шартнома номуайян муддатга тузилган деб ҳисобланади.

Ҳар бир иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси фаоллари шуни билиб қўйишлари зарурки, меҳнат шартномасини ходим вақтинча меҳнатга лаёқатсиз, таътилда бўлиши ва узрли сабабларга кўра ишга чиқмаётган даврида бекор қилиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги Қонун талаби фақат ходимларни иш берувчининг ташаббуси билан вазифасидан озод қилинишига тегишли бўлиб, бу меҳнат шартномасининг муддати тугаши муносабати билан шартномани тугатишга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Меҳнат шартномасининг муддати тугаши туфайли бекор қилинишида касаба уюшма қўмитасининг ёки ходимлар вакиллик органининг олдиндан розилиги олиниши талаб қилинмайди. Худди шунингдек, меҳнат шартномасини Меҳнат Кодексининг 105-моддасига кўра бекор қилишда ходимга нафақа тўлаш қонунда назарда тутилмаган. Меҳнат қонунчилигида муддати тугаганлиги сабабли муддатли меҳнат шартномасини бекор қилишда ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга қўшимча кафолатлар белгиланганлигини унутмаслик зарур.

Меҳнат Кодексининг 237-моддасига асосан муддати тугаганлиги муносабати билан ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда улар ишга жойлаштирилиши шарт. Ишга жойлаштириш даврида бу аёлларнинг иш ҳақи сақланиб қолади. Бироқ бу давр муддатли меҳнат шартномаси тугаган кундан бошлаб уч ойдан ошмаслиги керак.

Ходимлар билан муддатли меҳнат шартномаси тузишда ва бу муддатли меҳнат шартномасини бекор қилишда муассасаларда халқилкларга ўй қўйилаётганлиги аниқланмоқда. Шу сабабли касаба уюшма қўмитаси фаоллари қонунчиликдан тушунтиришлар олиб боришлари ва унинг бажарилишини назорат қилишлари ҳамда агар иш берувчи томонидан мунтазам равишда (текшириш ўтказилиб, таклифлар киритилганда ҳам) муддатли меҳнат шартномаси тузиш қонун-қоидалари бузилишининг давом этиши касаба уюшма қўмитаси раёсати йиғилишида муҳокама қилинмоғи зарур.

САВОЛ: барча ходимлар билан, яъни ишга кирувчилар билан бир қаторда ушбу муассасада 10 - 20 йилдан буён ишлаб келаётган ходимлар билан ёзма равишда меҳнат шартномаси тузиш шартми?

С.НАЗАРОВ,
Бухоро шаҳри

ЖАВОБ: меҳнат шартномасини тузиш, уни ўзгартириш ва бекор қилиш меҳнат қонунчилиги ҳамда меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Меҳнат шартномасининг намунавий ёзма шакли Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган. Меҳнат шартномасида ишга кирувчи ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг келишуви асосида ходимнинг иш жойи, унинг меҳнат вазифаси, яъни мутахассислиги, малакаси, у ишлайдиган лавозим, ишнинг бошланиш куни, агар муддатли меҳнат шартномаси тузилаётган бўлса, унинг тугаш куни, меҳнат ҳақи миқдори (разряди), қўшимча меҳнат таътилининг муддати, бериладиган имтиёзлар ва меҳнатнинг бошқа шартлари белгилаб қўйилади.

Амалдаги қонунларда ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари даражаси меҳнат шартномасини тузиш вақтида пасайтирилиши асло мумкин эмас. Акс ҳолда Меҳнат Кодексининг 5-моддасига мувофиқ меҳнат шартномасида кўрсатилган бу шартлар ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

«Кўп йиллардан буён бир муассасада ишлаб келаётган ходимлар билан меҳнат шартномасини ёзма шаклда тузиш керакми» деган ҳақли саволга эса қуйидагича жавоб бўлади:

- агар ходим 1993 йилнинг 3-декабрига қадар ишга қабул қилинган бўлса, Ўзбекистон Олий суди Пленумининг 1994 йил 7 январдаги қарорига асосан улар билан меҳнат шартномасининг ёзма равишда тузилиши фақат ўша ходимларнинг розилиги билан амалга оширилади.

«ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ



Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

САВОЛ: ўрта умумтаълим мактабларида кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлган ўқитувчилар имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга. Ушбу имтиёзлар «Ватанпарвар» ташкилоти ўқитувчиларига ҳам тааллуқлими?

А.БУРҲОНОВ,
МКТ «Ватанпарвар» ташкилоти Шаҳрихон автомобил мактаби ўқув тарбиявий ишлар бўйича бошлиқ муовини



ЖАВОБ: педагог ходимларни пенсия билан таъминлаш тартиби «Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуни билан амалга оширилади. Ушбу қонуннинг 12-моддаси «к» бандига ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-қарори билан тасдиқланган III рўйхатнинг VII қисмига асосан умумтаълим муассасаларининг педагог ходимлари умумий белгиланган пенсия ёшидан 5 йил олдин яъни аёллар 50 ёшдан, эркаклар 55 ёшдан камида 25 йиллик махсус иш стажига эга бўлган тақдирдагина пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. Ушбу рўйхатда автомобилни бошқаришни ўргатувчи инструктор, ўқитувчи-инструктор каби касбда ишловчилар имтиёзли пенсияга чиқиши назарда тутилмаган.

САВОЛ: биз туман халқ таълими бўлимида услубчи, назоратчи бўлиб ишлаймиз ва ўриндошлик асосида мактабда дарс берамиз. Ўқитувчи сифатида коммунал хизматлари учун имтиёздан фойдаланишимиз мумкинми?

Н.ТОШМАТОВ,
Б.ХУДОЙҚУЛОВ,
С.МАХСУДОВ,
Бекобод тумани халқ таълими услубчи, назоратчилари

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 апрелдан бошлаб уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисидаги Фармонига биноан қуйидаги шахсларга энг кам иш ҳақининг 45 фоизи асосида компенсация пул тўловлари тўлана бошланди:

– барча турдаги умумтаълим мактабларининг педагогик маълумотига эга ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, тарбиячилари, концертмейстрларига;

– академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва ўрта махсус таълим муассасалари педагогик маълумотга эга ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, ишлаб чиқариш усталари, психологлари, методистлари, тарбиячилари, концертмейстрлари;

– педагогик маълумотига эга Меҳрибонлик уйи тарбиячилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, психологларига;

– педагогик маълумотига эга бўлган тарбиячилар, ўқитувчилар, мудирлар, директорлар, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, мактабгача таълим муассасаларининг психологларига;

– педагогик маълумотига эга ва тренерлик иши олиб борган мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ўқитувчилари, тарбиячилари, тренер-ўқитувчилари, директорлари, ўқув ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, инструктор-методистларига;

– Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилар таркиби, ректорлари, ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректорларига, филиалларнинг директорлари, ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, илмий котиблар, ишлаб чиқариш усталари, ҳисоб маркази бошлиқлари, инженерларига;

– юқорида айтиб ўтилган ходимлар тоифасига кирувчи педагогик ва илмий педагогик меҳнат стажи 10 йилдан кам бўлмаган пенсионерларга ҳам тўланади.

Бир вақтда Халқ таълими бўлимида услубчи вазифасида ҳамда мактабда ўқитувчилик қилиб дарс бериб юрган педагогларга компенсация пул тўловлари бериш назарда тутилмаган. Компенсация пул тўловлари асосий иш жойи фақат мактабда ўқитувчилик тўлиқ иш вақти ҳисобида бўлган тақдирдагина берилади.

Алоқа ходимларидан қайсилари имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга?

САВОЛ: алоқа тизимида ишлайдиган қайси ходимларга имтиёзли пенсия тайинланиши ҳақида маълумот берсангиз.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрда қабул қилинган фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунининг 7-моддасига мувофиқ, эркаклар – 60 ёшга тўлганда ва уларнинг иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда, аёллар – 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлганда ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Ушбу қонуннинг 9-моддасига биноан фуқароларнинг айрим тоифалари учун имтиёзли шартларда пенсия тайинланиши назарда тутилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майда қабул қилинган имтиёзли шартларда пенсия тайинлаш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар,-ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг Рўйхатини тасдиқлаш тўғрисидаги 250-сонли қарорининг 3-Рўйхати, 1-қисми, XXX (Алоқа) бобида умумий белгиланган пенсия ёшини 5 йилга қисқартириш ҳуқуқига эга бўлган алоқа соҳасидаги ишлар ва касблар рўйхати қайд этилган:

1) 12624. Қалайли кабел ва полиэтилен ёки полихлорвинил қопламали кабелларни пайвандлаш ишларида банд бўлган кабелчи-пайвандловчи (қалайчи);

2) 14629. Қалайли кабел ва полиэтилен ёки полихлорвинил қопламали кабелларни пайвандлаш ишларида банд бўлган алоқа монтажчи – пайвандловчи;

3) 19093. Шаҳарлараро телефон алоқаси телефончилари;

4) 19095. Шаҳарлардаги телефон станцияларида 300 ва ундан кўпроқ номерга эга бўлган маҳаллий телефон алоқаси телефончилари;

5) 19096. Шаҳар телефон тармоғи маълумотномалар хизматининг телефончилари;

6) 19827. Қалайли кабел ва полиэтилен ёки полихлорвинил қопламали кабелларни пайвандлаш ишларида банд бўлган телефон алоқаси ва радиолаштириш линия иншоотларининг электромонтёрлари.

Санаб ўтилган ишлар, касблар ва лавозимлардан ташқари, алоқа соҳаси ва радиолаштириш ташкилотларида ишлаётган ва юқорида қайд этилган 3-сонли Рўйхатнинг 1-қисми, XXXIV (Умумий касблар) бобида кўрсатилган айрим ишлар ва касбларда ишлаётган ва тегишли иш стажига эга бўлган фуқароларга ҳам имтиёзли шартларда 5 йил муддатидан аввал пенсия тайинланиши мумкин:

1) 10047. Аккумуляторчилар;
2) 11495. Вулканизаторчилар;
3) 11620. Газпайвандловчилар;
4) 13450. Бўёқчилар;
5) 13786. Қозонхоналарнинг ўт ёқувчи машинистлари;
6) 1753г. УКВ, УВЧ, СВЧ манбаида доимий банд бўлган ишчи ва мутахассислар;
7) 19906. Қўл аппаратида ишловчи электрпайвандловчилар ва бошқалар.

Мазкур ишларда ишловчи ходимларга нисбатан 25 фоизгача бўлган миқдорда имтиёзли даромад солиғи ўрнатилган. Корхоналарда тузилган жамоа шартномаларида белгиланган тартибда қўшимча имтиёзлар ва кафолатлар ҳам мавжуд.

Жавоб касаба уюшма мутахассислари билан ҳамкорликда тайёрланди

АМАЛИЙ ФИКРЛАШУВ

касаба уюшмалари вилоят тармоқ конференциясини мазмунан бойитди

Ҳар бир инсон манфаатдор бўлгандагина унумли меҳнат қилади. Жонкуярлик, фидойилик билан ишлайди. Шунинг учун Самарқанд вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитаси меҳнаткашларнинг иш шароитини яхшилаш, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида изчил иш олиб бормоқда. Ижтимоий-иқтисодий ҳимояга катта эътибор берилмоқда.

Касаба уюшмаларининг олдига қўйилган улуғвор вазифалар бор. Буни энг аввало унинг етакчилари ва фаоллари, қолаверса, барча аъзолари яхши англаб олишмоқда. Шу боис ишга эскича ёндошувлар асосан барҳам топди. Бошланғич ташкилотлар кўп соҳаларда ташаббускор, ғоявий руҳлантирувчи сифатида майдонга чиқмоқда.

– Фаолиятни янгича ташкил қилиш, ишга ёндошувнинг ижобий томонга ўзгариши кейинги йилларда иш берувчи ва касаба уюшма ташкилотлари ўртасидаги муносабатларда яққолроқ кўринаяпти. Масалан, 2000 йилда касаба уюшмаларининг таклифи билан кўп болали ишловчи хотин-қизларни иш соатлари ҳафтасига бир соатга қисқартирилди. Бундай имтиёзлардан тармоқдаги 379 нафар ходим баҳраманд бўлди. 760 ходим қайта ўқитилиб, доимий иш билан таъминланди. Бу тадбирлар аҳамиятини фақат моддий жиҳати билан эмас, маънавий-тарбиявий томонидан ҳам баҳолаш керак, – деди Самарқанд вилоят тармоқ қўмитаси раиси Ш.Деҳқонов ўз маърузасида. – 2001 йилда тармоқда биринчи марта ҳақ тўланадиган қўшимча таътил жорий қилинди. Бу имтиёздан мингдан зиёд ходимлар фойдаланишди. Ҳозирги пайтда жамоа шартномаларида кўплаб имтиёзлар ва қўшимча кафолатлар белгиланган. Масалан, олий ўқув юртлари профессорларига рейтинг кўрсаткичи бўйича 100 фоизгача устама тўланяпти.

Ўтган давр ичида ходимлар ўртасидаги маънавий-маърифий ишларни кўчайтириш мақсадида мутахассисликка оид адабиётлар, даврий нашрлар билан таъминлаш яхшиланди. Лекин педагог ходимлар учун театр, кино, музейлар томошаларини уюштириш ҳамон эътибордан четда қолаяпти. Ҳолбуки яхши санъат ва адабиёт асарлари билим ҳамда маънавиятни бойитишга хизмат қилади. Етакчилар буни биринчи навбатда инобатга олиб қўйишлари керак. Чунки маънавий баркамол кишиларгина жамиятга кўпроқ наф келтирадилар.

Ўтган йиллар давомида тармоқ ходимлари учун 1605 та санаторий йўланмалари ажратилди. Бу эса ҳар минг кишига 2,7 та тўғри келади, дегани. Олдинги ҳисобот даврида ҳар минг кишига 7 та йўлланма тўғри келган. Бунинг асосий сабабларидан бири ижтимоий суғурта тушумлари ҳажми камайганлиги ва йўлланмаларга талаб камайиши билан изоҳланади. Шунинг учун йўлланма нархининг ходим томонидан тўланадиган қисми (фоизини) камайтириш ёки у бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қоплаш имкониятини топиш керак. Чунки меҳнаткашларни соғломлаштириш муҳим масала бўлиб қолаверади. Тўғри, вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги «Маърифатпарварлик» жамиятига қарашли «Устоз» саломатлик марказида ҳар ойда 50-60 киши дам олаяпти. Бундан ташқари, мавжуд профилакторийлар имкониятидан фойдаланиляпти. Бироқ бу етарли эмас.

Ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам анча ишлар қилинди. Кам таъминланган ходимлар, кўп болали оилалар, ногиронлар, қарияларга моддий ёрдам учун катта маблағ ажратилди. Лекин бу ишлар ҳам меҳнат муносабатларини меҳнат шартномаси муддати тугаган кундан кейинги бир ҳафта ичида тугатиш имконини беради. Меҳнат муносабатлари шартнома муддати ўтганидан кейин ҳам давом этаётган бўлса ва томонлардан бирортаси ҳам бир ҳафта давомида шартномани тўхтатишни талаб қилмаса, шартнома номуайян муддатга тузилган деб ҳисобланади.

Ҳар бир иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси фаоллари шуни билиб қўйишлари зарурки, меҳнат шартномасини ходим вақтинча меҳнатга лаёқатсиз, таътилда бўлиши ва узрли сабабларга кўра ишга чиқмаётган даврида бекор қилиш мумкин эмаслиги тўғрисидаги Қонун талаби фақат ходимларни иш берувчининг ташаббуси билан вазифасидан озод қилинишига тегишли бўлиб, бу меҳнат шартномасининг муддати тугаши муносабати билан шартномани тугатишга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Меҳнат шартномасининг муддати тугаши туфайли бекор қилинишида касаба уюшма қўмитасининг ёки ходимлар вакиллик органининг олдиндан розилиги олиниши талаб қилинмайди. Худди шунингдек, меҳнат шартномасини Меҳнат Кодексининг 105-моддасига кўра бекор қилишда ходимга нафақа тўлаш қонунда назарда тутилмаган. Меҳнат қонунчилигида муддати тугаганлиги сабабли муддатли меҳнат шартномасини бекор қилишда ҳомиладор аёлларга ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларга қўшимча кафолатлар белгиланганлигини унутмаслик зарур.

Меҳнат Кодексининг 237-моддасига асосан муддати тугаганлиги муносабати билан ҳомиладор аёллар ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда улар ишга жойлаштирилиши шарт. Ишга жойлаштириш даврида бу аёлларнинг иш ҳақи сақланиб қолади. Бироқ бу давр муддатли меҳнат шартномаси тугаган кундан бошлаб уч ойдан ошмаслиги керак.

Ходимлар билан муддатли меҳнат шартномаси тузишда ва бу муддатли меҳнат шартномасини бекор қилишда муассасаларда халқилкларга йўл қўйилаётганлиги аниқланмоқда. Шу сабабли касаба уюшма қўмитаси фаоллари қонунчиликдан тушунтиришлар олиб боришлари ва унинг бажарилишини назорат қилишлари ҳамда агар иш берувчи томонидан мунтазам равишда (текшириш ўтказилиб, таклифлар киритилганда ҳам) муддатли меҳнат шартномаси тузиш қонун-қоидалари бузилишининг давом этиши касаба уюшма қўмитаси раёсати йиғилишида муҳокама қилинмоғи зарур.

САВОЛ: барча ходимлар билан, яъни ишга кирувчилар билан бир қаторда ушбу муассасада 10 - 20 йилдан буён ишлаб келаётган ходимлар билан ёзма равишда меҳнат шартномаси тузиш шартми?

С.НАЗАРОВ,
Бухоро шаҳри

ЖАВОБ: меҳнат шартномасини тузиш, уни ўзгартириш ва бекор қилиш меҳнат қонунчилиги ҳамда меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Меҳнат шартномасининг намунавий ёзма шакли Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган. Меҳнат шартномасида ишга кирувчи ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахснинг келишуви асосида ходимнинг иш жойи, унинг меҳнат вазифаси, яъни мутахассислиги, малакаси, у ишлайдиган лавозим, ишнинг бошланиш куни, агар муддатли меҳнат шартномаси тузилаётган бўлса, унинг тугаш куни, меҳнат ҳақи миқдори (разряди), қўшимча меҳнат таътилининг муддати, бериладиган имтиёзлар ва меҳнатнинг бошқа шартлари белгилаб қўйилади.

Амалдаги қонунларда ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари ва кафолатлари даражаси меҳнат шартномасини тузиш вақтида пасайтирилиши асло мумкин эмас. Акс ҳолда Меҳнат Кодексининг 5-моддасига мувофиқ меҳнат шартномасида кўрсатилган бу шартлар ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

«Кўп йиллардан буён бир муассасада ишлаб келаётган ходимлар билан меҳнат шартномасини ёзма шаклда тузиш керакми» деган ҳақли саволга эса қуйидагича жавоб бўлади:

- агар ходим 1993 йилнинг 3-декабрига қадар ишга қабул қилинган бўлса, Ўзбекистон Олий суди Пленумининг 1994 йил 7 январдаги қарорига асосан улар билан меҳнат шартномасининг ёзма равишда тузилиши фақат ўша ходимларнинг розилиги билан амалга оширилади.

Ҳисобот-сайловлар

кўламини кенгайтириш учун қўшимча маблағ топиш керак. Бунинг энг оддий йўлларидан бири ички имкониятлардан оқилона фойдаланиш орқали ташкилот даромадини кўпайтириш, ходимлар манфаатдорлигини яхшилашдир.

Кўпгина таълим муассасаларидаги иш шароитлари, меҳнатни муҳофаза қилиш аҳволи талабга жавоб бермайди. Бу муаммоларнинг катта қисмини ўша жойнинг ўзида ички имкониятлардан фойдаланиб ҳал қилиш мумкин. Афсуски, бу борада кўп жойларда ўзибўларчиликка йўл қўйиляпти. Масалан, 38 та ташкилот текширилиб, 20 ҳолатида меҳнат муҳофазаси қоидалари бузилганлиги учун иш берувчиларга тақдимномалар киритилди. Иш берувчи, касаба уюшмаси, меҳнат жамоаси яхлит занжирнинг ўзаро боғлиқ ҳалқаларидир. Уларни алоҳида тасаввур қилиб бўлмайди. Улар ўзаро бир-бирига наф келтириш орқали асосий мақсадга эришишлари мумкин. Бошқаларга намуна тариқасида айтиш мумкинки, ўз ички имкониятларидан тўғри фойдаланган СамДУ маъмурияти ва касаба уюшмаси меҳнат муҳофазаси бўйича республика тармоқ кўрик-танловининг совриндори бўлди.

Ўзаро ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик принциплари, табиийки, жамоа шартномалари ва битимларида ифодаланади. Кейинги йилларда бу ҳужжатларни ишлаб чиқишда анча тажриба орттирилди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан жамоа шартномасининг намунавий нусхаси тавсия этилиши ҳам катта ёрдам бўлаяпти. Ҳозирги вақтда амал қилаётган жамоа шартномаларининг шакли, мазмуни аксарият ҳолларда кишини қониқтиради.

Бироқ айрим жойларда жамоа шартномаси имзолангандан сўнг унинг мавжудлиги йил якунигача унутиб юборилади. Аслида унинг бандлари бажарилиши бўйича ҳар ойда, ҳар чоракда, ярим йилликда иш берувчининг тегишли мутасаддиларидан ахборот ва ҳисоботлар талаб қилиш керак.

Бошқача айтганда, касаба уюшмалари келажакни қура олиши, меҳнат жамоасида келгусида қандай муаммолар пайдо бўлиши мумкинлигини бошқаларга нисбатан олдинроқ илғай олиши керак. Бу жараёндаги энг жиддий масъулият, энг катта оғирлик етакчилар зиммасига тушади. Чунки жуда кўп масалаларнинг ҳал қилинишига етакчининг шахсий обрўси, маънавий-ахлоқий ибрати, билим салоҳияти ижобий таъсир қилиши мумкин. Шу боис тармоқ касаба уюшмаларида бўлиб ўтган ҳисобот сайловларда мавжуд 822 та бошланғич ташкилотнинг тахминан 40 фоизида етакчилар қайта сайланади. Асосий ишдан озод этилган касаба уюшма қўмитаси раисларининг 45,5 фоизи хотин-қизлардир. Туман қўмиталари раислари ва ҳисобчилари учун махсус ўқувлар ташкил этилгани мақсадга мувофиқ бўлди. Ўтган даврда вилоят қўмитасига 85 та ёзма ариза тушган, 572 марта оғзаки мурожаат қилинган.

Хуллас, Самарқанд вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаларининг III конференцияси аввалгиларига нисбатан бошқача руҳда ўтди. Қўмита раисининг маърузаси чуқур мантиқий таҳлил ва амалий таклифларга асосланди. Бундан ташқари, музокара иштирокчиларининг чиқишлари шунчаки ваъзхонлик бўлиб қолмай, амалий савол-жавоб, мулоқот, фикрлашиш тариқасида кечди.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири

Истеъмолчиларга сифатли ва давлат стандарти талабларига мос маҳсулот етказиб бериш бугунги куннинг талаби. Бу борада Хоразм вилояти синов ва сертификатлаштириш маркази муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Хусусан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг амалдаги меъёр талабларига жавоб беришлигини таъминлаш мақсадида марказ томонидан жорий йил 11 ойи давомида 781 дона мувофиқлик сертификати берилди.

– Сифат тизимини жорий этиш мақсадида корхона ва ташкилотларда турли семинарлар ташкил этилиб, лабораториялар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, - дейди марказ директори К.Атажонов. – Айни пайтда марказ қошида ишлаб чиқарувчиларга қулайлик яратиш мақсадида қўшимча синов лабораторияларини ишга тушириш кўзда тутилган.

Суратларда: марказнинг илғор лаборант-ходимлари Света Казаченко ва Назокат Фозиловалар.





Ғулом ХИДИРОВ олган суратлар

ИККИ ТОМОНГА ҲАМ ФОЙДАЛИ

Ўзбекистон банклар уюшмасининг Банк-молия тизимини ривожлантириш ва эркинлаштиришни прогнозлаш институтида Ўзбекистоннинг ёш олимлари ва тадқиқотчилари танлови якунларига бағишланган «Банклар ва молия бозорлари» мавзуида семинар бўлиб ўтди.

Жорий йилда иккинчи марта ўтказилаётган ушбу танловдан кўзланган мақсад ёш олимлар, банк-молия соҳаси ходимларининг Ўзбекистон Республикасида ислоҳотларнинг долзарб йўналишларини ўрганиш, банк фаолияти ҳамда молия бозорларидаги муҳим амалий вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ иқтисодий тадқиқотларини қўллаб-қувватлашдан иборат.

Республика ва халқаро банк-молия ташкилотларининг етакчи мутахассисларидан ташкил топган эксперт кенгаши Анжела Абиярова, Сардор Саъдуллаев, Шуҳрат Тошматов, Нарзулло Обламуродов, Аљьбина Гайсина, Анвар Маткаримов, Рустам Сулаймонов каби ёш тадқиқотчиларнинг илмий ишларини энг яхши деб топди. Бу тадқиқотларнинг ҳаммаси махсус тўпламда чоп этилди.


КАРМАНАДА ЗАМОНАВИЙ КОЛЛЕЖ

Кармана туманининг «Ҳазора» ширкат хўжалигида янги касб-ҳунар коллежи очилди.

Уч юз ўқувчига мўлжалланган мазкур таълим масканида маиший хизматнинг ўндан ортиқ йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланади. Ўқув хоналари сўнгги русумдаги компьютерлар билан таъминланган. Спорт зали, ошхона, дам олиш хонаси, кутубхона ёшлар ихтиёрида.

Касб-ҳунар коллежининг очилишида Навоий вилояти ҳокими Б.Рўзиев иштирок этди.


АГРОСАНОАТ МАЖМУИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИ



Тармоқ барча ходимларини янги 2005 йил - Сиҳат-саломатлик йили билан самимий муборакбод этади.


Юртимизда тинчлик-хотиржамлик барқарор бўлсин, ҳар бир оиладан қут-барака аримасин.


ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ ҚОШИДАГИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ



Халқ саломатлиги йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётган тиббиёт ходимларини ва барча фуқароларни яқинлашиб келаётган Янги йил билан самимий муборакбод этади. Замонавий, барча шароитларга эга бўлган шифо масканларимиз йилнинг тўрт фаслида Сизга мунтазир!

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббий тикланиш ва физиотерапия илмий-текшириш институтининг кўп сонли жамоаси республикамиз аҳолисини кириб келаётган Сиҳат-саломатлик йили билан қизғин муборакбод этади.







ДОРИСИЗ ДАВОЛАШ УСТАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббий тикланиш ва физиотерапия илмий-текшириш институтида бир кун

1919 йилнинг 6 февралида ака-ука Слонимларнинг национализация қилинган касалхонасини физик методлар билан даволаш ва рентгенология институти этиб қайта ташкил қилиниши институтга асос солинган кун ҳисобланади.

Даставвал, институт директори этиб Соломон Слоним, даволаш бўлими мудири этиб, профессор Р.Евсеев тайинланганди. Институт ихтиёрида 20 та ўрин бўлиб, ҳар куни 100 нафар беморлар даволаш учун қабул қилинган. Бу Ўрта Осиё бўйича ўз даврида яхши жиҳозланган бирдан-бир муассаса бўлиб, фронтдан ярадор бўлиб қайтган беморлар шу ерда даволанишган.

1923 йилда бу даргоҳга Н.А.Семашко номидаги физик омиллар билан даволаш институти деган ном берилди. Институт қошида кимёбактериологик лабораторияси очилди. 1927 йилда Ўрта Осиёда биринчи бўлиб институтда радиотерапевтик бўлим очилди. 1929 йилда Республика ортопедия-протезлаш устахонаси институт ихтиёрига берилади. 1931 йилда институтни фақатгина физиотерапевтик муассасага айлантириш, институт таркибидаги саратон касаллари бўлими асосида алоҳида рентген-радио-онкология институти барпо этиш тўғрисида, шунингдек, ортопедия бўлимини Ўрта Осиё тиббиёт институти клиникалари қаторига киритиб, кейинчалик эса мустақил травматология институтига айлантириш кўзда тутилганди. Шу йилнинг ўзидаёқ физик омиллар билан даволаш институтидан онкология институти ажралиб чиқади.

1933 йилда институт штатида 39 нафар илмий ходим, шу жумладан, 4 та профессор, 6 та доцент бўлган. Ўрта Осиё врачларининг 2 та съездида ва рентгенологлар Бутуниттифоқ анжуманида иштирок этганлар. Институтнинг турли бўлимларида бош миянинг томир касалликларида, бўғим ва рак, аёллар жинсий аъзолари касалликларида физиотерапия самарадорлиги масалалари ўрганилган. Ионлар ва аэроионлар билан даволаш масалалари тажрибавий ва клиник ўрганилди. Физиотерапия омилларини ишлатган ҳолда корхона ишчиларининг меҳнат унумдорлигини ошириш масалалари ишлаб чиқилди, ўша даврда энг кўп тарқалган пеллагра, брученлёз, безгак каби касалликларни даволаш самарадорлиги, беморларнинг ишлаш қобилиятини тиклаш муаммолари ва янги шифобахш курортларнинг физиотерапия омиллари ўрганилди. Республикада 1939 йилда Институт берган тавсиялари асосида, биринчи марта Шоҳимардон курорти, Оқтошда санаторий барпо этилди.

Шу йилларгача ўтказилган тадқиқотлар асосан илмий йўналишлар янги физик омилларнинг таъсир ўтказиш механизми ва юрак-қон томир тизими, нерв системаси, меъда-ичак йўли, таянч-ҳаракат аппарати, каттлар ва болаларда сурункали носпецифик ўпка хасталиклари ва аёллар жинсий аъзоларининг касалликларига учраган беморларни профилактика қилишда, даволаш ва реабилитация қилишда уларнинг самарадорлигини ўрганишга боғлиқ бўлди.

Республикамиз мустақилликка эришгач, институт илмий-тадқиқот ва даволаш ишларини кенгайтириш учун катта имкониятлар яратилди. 1992 йилда Наманганда институт филиали очилди. Унинг вазифасига маҳаллий курорт омилларини ва халқ табобати усулларини қўллаган ҳолда физик терапия ва беморлар реабилитациясининг янги усулларини ишлаб чиқиш кирарди. Ўзбекистоннинг тоғли, тоғолди, тоғ оралиғидаги табиий ресурслари (Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари) ҳамда (Сирдарё, Навоий ва Бухоро вилоятлари) ва паст-текислик ҳудудлари ўрганилди. Сульфид, йод, бром ва йод бром сақловчи сувнинг янги манбаларини ишлатиш учун тавсиялар берилди.

Умуман институт ташкил топган кундан бошлаб, ўтган давр ичида 57 та монография, 2835 та илмий мақола, 172 та услубий қўлланма, 20 дан ортиқ илмий тўпламлар чоп этилди. Институт ходимлари томонидан 21 та докторлик ва 136 та номзодлик диссертациялари ёқланди. Ҳозирги вақтда институт ва клиникада 56 нафар илмий ходим, улардан 6 та фан доктори ва 16 та фан номзоди, 57 малакали шифокорлар, 350 га яқин ўрта ва кичик тиббий ходимлар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Институт клиникасида 240 та каттлар ва 160 та болаларга мўлжалланган ўринлар беморларга хизмат қилиб келмоқда. Бир йил мобайнида 5000 дан ортиқ катта ёшдаги ва 3500 га яқин болалар соғлигини тикламоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг даволаш профилактика муассасаларига 117 та услубий тавсиялар жорий этилди.

Ҳозир институт шифохонасида каттлар учун 200 дан зиёд ўрин, 6 та бўлимлар бор: юрак-қон томири патологияси, нафас аъзолари, ошқозон-ичак, бўғим, асаб системаси патологияси, аёллар касалликлари, умумий терапия, II-терапия бўлимида 30 та пуллик даволаш ўринлари мавжуд.

Малакали даволаш жараёнини ташкил этиш учун физиотерапия, бальнеология, балчиқ билан даволаш, функционал диагностика, уқалаш ва даволаш бадан тарбияси бўлимлари, шунингдек, клиник-диагностик лаборатория ишлаб турибди.

Институт болалар поликлиникаси алоҳида бинода жойлашган бўлиб, 200 ўринга мўлжалланган, артрологик, гастроэнтерологик, неврологик ва пульмонологик бўлинмалари, шунингдек, кундузги стационар қатновчига мўлжалланган болалар поликлиникаси, физиотерапия, бальнеология, уқалаш ва ЛФК бўлимлари бор.

Термиз институт филиалида ҳам 140 ўринли мана шундай барча қулайликларга эга клиника аҳолига хизмат қилмоқда. Беморлар даволаниши учун йўлланмаларни шаҳар, вилоят, туман соғлиқни сақлаш бошқармаларидан, поликлиникалардан олишлари мумкин.

Институт қошида юрак ишемик касаллиги ва қон босим касалликларини даволаш маркази ишлаб турибди, Бу ерда юрак стенокардия касаллиги, миокард инфаркти ва унинг асоратлари, юрак етишмовчилиги, қон босим касалликлари, юрак нуқсонлари атрофлича текширилади, даво режаси тузилиб, то бемор тузалиб кетгунча назоратга олиниб даволанади. Функционал ташҳис бўлимида ЭКГ, велоэргометрия, юрак УЗИси, спирография усуллари ёрдамида юракнинг ўлчамлари, қисқарувчанлик қобилияти, клапанлар ҳолати, жисмоний ишни кўтара олиш қобилияти, юрак уриш мароми текширилади. Ушбу текширишлар юрак соҳасидаги оғриқ, ҳансираш ёки нафас қисиши, юрак уриб кетиши, оёқ шиши каби ҳолатлар сабабини аниқлаш имкониятини беради. Бўлимда инфарктдан кейинги беморларни тиббий тиклаш ва қон босим касалликларини даволаш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда. Илмий изланишлар натижалари АҚШ, Канада, Греция, Австрия, Россия каби мамлакатларда ўтказилган илмий конференцияларда кўпчилик олинлар томонидан эътироф этилган. Бўлимда олий тоифали шифокорлар, тиббиёт фанлари номзодлари иш олиб боришмоқда. Юрак ва қон-томир касалликлари бўлган беморлар ёки ўзининг соғлиғини текширмоқчи бўлганлар шу бўлимга бемалол мурожаат қилишлари мумкин.

Саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий текшириш институти ошқозон-ичак касалликлари бўлимида қуйидаги касалликлар бўйича: рефлюкс касаллиги, сурункали гастрит, 12 бармоқли ичак ва ошқозон яра касаллиги, сурункали гепатит, холецистит, панкреатит, сурункали колитлар профессор ва тажрибали шифокорлар томонидан даволанишмоқда.

Беморларни даволашда минерал сув билан даволаш, душ, ванналар, дори-дармон билан даволаш, физиотерапевтик муолажалар, ичакни даволашда минерал сув билан ҳамда шифобахш ўсимликлардан тайёрланган ичимликлардан фойдаланилади.

Саломатликни тиклаш ва физиотерапия институти асаб касалликлари бўлимида ҳозирги кунда умуртқа поғонаси остеохондрози, умуртқалар орасидаги чурраларни текшириш ва комплекс даволаш усуллари ишлаб чиқилмоқда. Замонавий текшириш усулларидан реовазография ёрдамида қон айланиш даражаси аниқланади. Замонавий даволаш усуллари бўйича умуртқа поғонасида чурраси бор беморлар сув остида умуртқа поғонасини тортиш усули билан, даволаш комплексида циркуляр душ, массаж, СМТ – форез ва даволаш жисмоний тарбия усуллари билан ҳам даво топмоқдалар.

Иккинчи бир йўналишда бош мия қон томирлари касалликларини текшириш ва янгича даволаш усуллари ишлаб чиқиляпти. Текширишлардан электроэнцефалография, реоэнцефалография усуллари қўлланилмоқда. Бу беморларга даволаш усулларидан лазеротерапия, термопунктура, магнитоакупунктура, акупунктура усуллари қўлланилмоқда.

Институт ходимлари соғлиқни сақлаш амалиётида янгидан янги дорисиз даволаш усулларини жорий этган ҳолда йилдан-йилга илмий-тадқиқот ва даволаш ишларида катта ютуқларга эришмоқда.

Раҳимжон ОРИПОВ,
«Ишонч» мухбири



АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ «ПАХТА БАНК»

Байрам муносабати билан Сизларни йиллик 32 фоиздан 38 фоизгача бўлган «Пахта Банк» омонат турларига бўш пул маблағларингизни қўйишингизни ҳамда йиллик 30 фоиз, капитализацияси билан 34,5 фоиз даромад келтирувчи замонавий тўлов воситаси — «Пластик карточка»ни таклиф этамиз!

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!



Great Britian
Midland Bank plc.

Netherlands
ING Bank

Switzerland
Banque de Commerce et de Placements

Austria
RZB-Austria
Bank Austria AG

Germany
Deutsche Bank AG
Bank Gesellschaft Berlin AG
Commerzbank AG
Drezdner Bank AG
HypoVereinsBank AG

USA
Chase Manhattan Bank
American Express Bank
Bankers Trust Co

Belorussia
Belagroprombank

Turkey
T.C. Ziraat Bankasi

Denmark
Den Danske Bank

Russia
SBS-AGRO
АКБ "СБС-Агро"
Mezhcombank
Asia-Invest Bank

БЕРУНИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Хайр-саховат ҳам мардлик саналади.

* * *

Ҳар бир инсоннинг қадр-қиймати ўз ишини қойил қилиб бажаришида

* * *

Душманлар ҳамиша насабларга таъна қилиш, номусларни ерга уриш, турли уйдирма гаплар тарқатишга уринадилар. Дўстлар ва хайрихоҳлик қилувчилар эса ёмонни яхши қилиб кўрсатишга, ҳалол етказадиган йўлни ундан тўсишга тиришадилар.

* * *

Ростгўйлик лаззатини тотмаган ёки лаззатини билса ҳам, топишни истамаган киши уни севмайди.

* * *

Ёлғончилик кишини адолатдан юз ўгиртиради: у зулм, ёлғон гувоҳлик, омонатга хиёнат, бошқалар мулкини ҳийла билан ўзлаштириш, ўғрилик ва халқларнинг бузилишига сабаб бўладиган бошқа ёмон ҳулқларини кишига яхши қилиб кўрсатади.

* * *

Комил нарса ортиқчаликни ҳам, камчиликни ҳам қабул этмайди.

* * *

Жўрттага ўз сўзида туриб олган билимсиз киши билан баҳслашиш на мақсад эгасига ва на мақсадга бирон фойда етказади.

Куюнчак дил изҳори

ОНАЖОНИМ ТАБИАТ

Момоларимиздан эшитганим бор: қачонлардир ер юзи сувликлардан иборат бўлган экан. Эҳтимол, сувни ҳаётимиз ибтидоси деб аташларининг сабаби ҳам шундандир. Эътибор бераётган бўлсангиз, сўнгги пайтларда сувга эътибор бирмунча ошди. Қадриятларимиз даражасига кўтарилмоқда. Бироқ...

Қарияларимиз билан суҳбатлашсангиз, бир гапни "Биз арикда нонни оқизоқ қилиб ердик", "Арикдан сув ичардик", "Бугунги ёшлар сувни асрашни билишмайди", "Ариқларга ахлат ташлашдан қўрқишмайди" деганларини кўп эшитганмиз. Очиғи, биз ёшлар учун бу гўё эртакдай туюлади. Негаки, бугун ҳам ўша ариқлар, ўша одамлар бор. Нега ўша йиллар давомида қадрланган удумлар йўқолиб кетган?! Катта арава қаердан юрса, кичик арава ҳам шу ердан юради, деган мақол бор. Агар қарияларимиз, кексаларимиз бизга ўрнак бўларли даражада сувни эъзозлаганларида эди, бугун биз ёшлар бу қадар оғир маломатларга қолмаган бўлардик. Она Оролимиз ҳалокат ёқасига келмаган, қурғоқчилик сабаб ўнлаб нодир жонзотлар, паррандаю даррандалар, ўсимликлар йўқолиб кетмаган бўларди. Мен бу билан қарияларимиз, ёши улуғ кишиларимизни айбламоқчи эмасман. Бироқ сувга, табиатга муносабатни бола ёшлигиданоқ унинг онгу шуурига сингдириш керак. Бунинг учун эса уларнинг шахсий ибрати ҳам муҳим рол ўйнайди.

Маълумки, пойтахтимизда аксари аҳоли кўп қаватли уйларда истиқомат қилади. Ҳар тонг уч-тўрт тенгқурлар бадантарбия машқлари билан шуғулланиш учун спорт майдонига борамиз. Ва ҳар тонг бир манзарага — уйлар пастидаги бетон ариқчалару, зинапоя тагидаги, йўлкаларда сочилиб ётган сабзавот пўчоқларию чиқиндиларни ва уларни оғриниб тозалаётган фаррош аёлларни учратамиз. Улар сизу биз ҳали ишга, ўқишга бормасимизданоқ, кўчаларни яна чиннидай қилиб қўйишади. Орадан бир-икки соат ўтмасидан эса йўлкалар яна чиқинди билан "безанади". Боягина сув жимирлаб оқаётган бетон ариқчадан семичка пўчоқларию қоғоз парчалари қалқиб-қалқиб оқа бошлайди. Ана шу сувни, табиатни булғаётган одамларни кўрамиз, бироқ индамаймиз. Ахир, тозалик учун жавоб берадиган кишилар бор. Шу хаёл бизга таскин беради. Аслидачи? Сизу биз у қадар эътибор қилмаётган ўша одам барчамизнинг соғлигимизга, умримизга тажовуз қиляпти.

Яқинда Янгийўл туманидаги Эски Қовунчи қишлоғида яшовчи оғайнимникига боргандим. Ана шу қишлоқдан "Жўнариқ" деган ариқ оқиб ўтаркан. Қишлоқ аҳолиси деярли яроқсиз бўлган ушбу ариқдан сув ичар экан.

— Бир вақтлар ушбу ариқнинг суви жуда тоза бўларди, —дея хўрсиниб қўяди оғайнимнинг буваси. —Ҳозир одамлар ҳамма нарсани шу ариққа ташлашяпти.

—Нега? Нега уларга ҳеч ким дашном бермайди, тартибга чақирмайди? Ахлат ташлаётганлар ҳам бегона эмас, қишлоқ кишилари-ку?

Лекин бобога эътирозимни айтолмайман. Истиҳола қилдим. Сувни киллар булғаётганини отахон ҳам биладилар, бироқ ранжитишни истамайдилар. Ана шу истиҳола, эътиборсизлик улканлашиб ЛОҚАЙДЛИКка айланиб кетади. Узоққа бормайлик, пойтахт вилоятининг қайсидир туманида одамлар ичимлик суви муаммосига дуч келаётган бир пайтда томорқамиздаги экинимизни ичимлик суви билан суғорамиз. Ҳовлиларимизга виқор бериб турган фаввораларимизнинг "чиқинди" сувларини канализация қувурларига улаб қўйиб, иқлимни мўътадиллаштирамиз. Сувнинг уволи эса, бир кун келиб... Мутахассисларнинг гувоҳлик беришларича, ҳозирда ер куръасидаги сувнинг бор-йўғи 2 фоизигина истеъмолга яроқли ҳисобланар экан. Ваҳоланки, бундан тўрт-беш йил муқаддам бу кўрсаткич, 2,5 фоизни ташкил этар эди. Агар сувга нисбатан эътиборсизлик шу зайил давом этаверса, асримизнинг ўрталарига бориб аҳвол қай даражада бўлишини тасаввур қилаяпсизми?

Бизда нонни ҳар нарсадан ҳам кўпроқ эъзозлашади. Бугун унинг қабатига сув ҳам қўшилди. Бугун сувни эъзозласак, тежаб-тергасак, эртага ҳаётимизга хавф солиши мумкин бўлган фожианинг олдини олган, юртимизнинг ҳар қарич ерини, тупроғини қадрлаган ва унинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшган бўламиз.

Шерзод РАСУЛОВ,
Тошкент Молия институти талабаси

БАДИИЙ КОМПОЗИЦИЯ

Ўзбекистон Ёшлар театри ижодий жамоаси томонидан саҳналаштирилган мусиқали-шеърий композиция улуғ рус шоири Михаил Лермонтов таваллудининг 190 йиллигига бағишланди. Ушбу бадиий композицияда шоир шеърлари билан бир қаторда бир неча мусиқа тароналари ҳам ижро этилди.

«Ўзбекистон - Россия» дўстлик жамияти, рус маданият маркази билан биргаликда уюштирилган мазкур томоша дастуридан Римский-Корсаков, Галакирев, Рубинштейн, Рахманинов, Хачатурян каби машҳур композиторлар асарлари ҳам ўрин олди. Ушбу ария ва дуэтларни Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театрининг етакчи артистлари ижро этдилар. Ўзбекистон Давлат Консерваторияси педагоглари томонидан тайёрланган концерт дастури ҳам томошабинларга манзур бўлди.

Касаба уюшма спорти жонкуярлари

ЭДУАРД ПАРСЕГОВ КЎЗЛАГАН МАНЗИЛ



Бу ажойиб инсон ҳақида қайси касб эгаси билан фикрлашманг илиқ ва самимий гапларни эшитасиз. Касаба уюшма спортининг ҳақиқий жонкуярларидан бири, ёшлар мураббийси Эдуард Парсегов ҳар бир инсон ҳавас қиладиган ибратли ҳаёт йўлини босиб ўтмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши республикамиз меҳнат аҳлини ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш, меҳнаткашлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш билан бирга меҳнат жамоаларида, ишчилар, айниқса, ёшлар ва аёллар ўртасида оммавий спортни ривожлантириш, бу орқали уларнинг фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Касаба уюшмаларининг саъй-ҳаракати билан кўплаб спорт мусобақалари, турнир ва спартакиадалар ташкил этилиб, кўплаб кишиларга саломатлик ва аъло кайфият улашилмоқда. Бу каби хайрли тадбирларни амалга оширишда Эдуард Парсеговнинг алоҳида хизматлари бор. 1934 йил 28 декабрда таваллуд топган бу инсон ёшлигидан спортга ошно тутинди. Бу иштиёқ уни Тошкент Давлат жисмоний тарбия институтига етаклади. Талабалик йилларида куч-қувватга тўлган Эдуард пухта билим олиш билан бирга касбий маҳоратини юксалтира борди. 1959 йили институт йўлланмаси билан Тошкент вилояти спорт жамиятлари кенгашида йўриқчи сифатида иш бошлади. Кейинчалик бўлим бошлиғи, сўнгра эса раис ўринбосари вазифаларида жонбозлик кўрсатиб ишлади. Изланувчан, ташаббускор соҳа мутахассисини 1976 йилда республика спорт қўмитасининг футбол бўлими бошлиғи этиб тайинладилар. Худди шу даврда Эдуард Вениаминовичдаги энг яхши фазилатлар намоён бўлди.

1982 йилдан бошлаб Парсеговнинг жўшқин ҳаёти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти билан мустаҳкам боғланди. Йиллар мобайнида иқтидорли мураббий жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш, иложи борича кўпроқ меҳнаткашларни жамият атрофига жалб этиш, иқтидорли спортчиларни етиштириб чиқариш учун бутун куч, тажриба ва маҳоратини аямади. 1998 йилдан эътиборан республика касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий Кенгаши раиси муовини вазифаларида ишлаб келаётган Эдуард оғани энди минг-минглаб кишилар ўз касбининг чинакам устаси, моҳир ташкилотчи сифатида яхши танийди, чуқур ҳурмат қилади.

– Эдуард Вениаминович ўзининг меҳнатсеварлиги ва тиришқоқлиги билан кўпчиликка ибрат бўлиб келмоқда. Республика доирасида ўтказилаётган кўплаб спартакиадалар, спорт беллашувларини ташкил этиш ва уларни кўнгилдагидек ўтказишда алоҳида жонбозлик кўрсатади, - дейди КУФК жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий Кенгаши раиси Баҳодир Тожиев. Устозимиз спортнинг футбол, от спорти ҳамда байдарка ва каноэда эшкак эшиш турлари ривожига, истеъдодли ёшлар заҳирасини тайёрлашда катта ҳизмат қилмоқда.

Эдуард оғанинг кўп йиллик ҳалол хизматлари муносиб тақдирланган. «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий», «Жисмоний тарбия аълочиси» Э.Парсегов бугун ўзининг қутлуғ 70 ёшини зўр шоду ҳуррамлик билан нишонламоқда. Кўксини медаллар безаган кўплаб шогирдлари, касаба уюшма фаоллари унинг хурсандчилигини бархам кўришмоқда.

Шундай дамлар бўладики, у бир умрга барчанинг онги-шуурида муҳрланиб қолади. Греция пойтахти Афинада ўтган XXVIII ёзги Олимпиада ўйинлари касаба уюшмалари учун ғоятда омадли бўлди. Боиси нуфузли мусобақанинг юнонрум қураши бўйича 74 килограмм вазн тоифаси баҳсларида иштирок этган матонатли касаба уюшмалари вакили Александр Доктурашвили Ватанимизга олтин медални туҳфа этди. Бу улкан муваффақиятда бошқалар қатори Эдуард Парсеговнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

– Шу йилнинг сентябр ойида касаба уюшмалари спартакиадаси бўлиб ўтди, - дейди Қашқадарё вилоят «Иссиқлик манбаи» корхонаси касаба уюшма қўмитаси раиси Илҳом Омонов. – Унда мини футбол, теннис, енгил атлетика бўйича қизғин баҳслар олиб борилди. Ўшанда Эдуард Вениаминовичдаги куч-ғайрат, ташқилотчилик, жўшқинлик нақадар кучли эканлигини ҳис қилгандим. Ана шундай фидойи кишиларнинг жонбозлиги туфайли беллашув майдонлари эзгуликка хизмат қилиб келмоқда. Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Қўқон шаҳар қўмитаси раиси Бурхонхўжа Саидхўжаев, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ходими Ирода Абдукодирова, Хоразм вилоят касаба уюшмалари Кенгаши ҳуқуқ бўлими мудири Азамат Раҳимов, металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси мутахассиси Йўлчибой Раҳимжонов ва бошқалар спорт жонкуярининг ажойиб фазилатлари ҳақида сўзлаб, унга ўзларининг самимий табрикларини йўлладилар.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ишонч» мухбири

ТТВ КАНАЛИДА «ЯНГИ ЙИЛ БАЗМИ»

Тошкент телеканалида анъанавий «Янги йил базми» дастури суратга олиш якунланди.

Мамлакатимиз телетомошабинлари Янги йил кечасида севимли кино, театр ва эстрада санъаткорларининг энг яхши дастурларидан баҳраманд бўлишади. Янги йил байрамида томошабинларга байрамона кайфият улашиш мақсадида режиссёрлар Зокир Қаюмов, Солижон Қодиров ва дастур муаллифи Олтиной Аъзамовалар ижодий изланишларини намоён этдилар.

Суратларда: «Янги йил базми» байрам дастуридан лавҳалар.

А.РИСҚИЕВ
(ЎзА) олган суратлар





АБАДИЙ МУЗЛИКЛАР

Баланд тоғлардаги музликлар йил бўйи дарёларни сув билан тўйинтириб туради. Бу доимий музликлар мавсумий ёққан қорнинг мутаасил зичланаверишидан ҳосил бўлади.

Помир-Олой тоғ тизимида абадий музлик ерлар чегараси Тяньшандагидан баландроқ бўлиб, Олой тизма тоғида денгиз сатҳидан 3400 метр, Ҳисор ва Ғарбий Помир тоғларида эса 3800 метр баландликдан ўтади. Зеро, ҳозирги вақтда абадий музлоқ ерлар нисбатан кенг ўрганилган тоғ тизими Тяньшан ва Помир-Олойдир. Ер куррасининг Анд, Ҳиндиқуш, шунингдек, Янги Зеландия ва Африкадаги тоғ тизмаларининг абадий музлоқ ерларига эса қўл теккизилгани йўқ.

Ўрта Осиёдаги абадий музлоқ ерлар Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон, шунингдек, Қозоғистоннинг баланд тоғларида мавжуд. Фақат Туркманистондагина музлоқ жинс қатлами учрамайди. Чунки, у ерда баланд тоғлар йўқ-да. Бинобарин, абадий музлоқ ерлар асосан Қирғизистон ва Тожикистон тоғларида жойлашган. Ўзбекистонда эса абадий музлоқ ерлар кичик-кичик майдонлар тарзида бўлиб, улар Ҳисор ва Чотқол тизма тоғларининг энг баланд қисмларида учрайди.

Бунда абадий музлоқ ер вужудга келишининг бош омили жойнинг кенглигига эмас, балки баландликдаги ўрни билан боғлиқ.

Шарқ уйғониш даврининг буюк алломаси, 873-950 йилларда яшаб ижод этган Абу Носир Ибн Муҳаммад Форобийнинг ҳозирги қараш нуқтаи назаридан менежмент масалаларига, яъни раҳбар ва бошқаришга оид нодир фикрлари мавжуд бўлиб, улар то ҳануз назарий ва амалий аҳамиятга эга.

ФОЗИЛ ОДАМЛАР ШАҲРИ

Форобий ўрта аср даври табиий-илмий ва ижтимоий билимларнинг қарийб барча соҳаларини ўз ичига олувчи 160 дан ортиқ рисола яратган қомусий олим сифатида тан олинади. Унинг Шарқ оламидаги шуҳрати шу даражага етдики, уни Аристотель (Арасту)дан кейинги йирик мутафаккир «Муаллимас-Соний» - «Иккинчи муаллим» деб атай бошладилар.

Олимнинг айниқса, «Фозил одамлар шаҳри» асари диққатга сазовор бўлиб, унда мамлакатни бошқариш, ҳокимлар фаолияти, фазилатлари, иқтисодиётни олиб бориш билан боғлиқ бўлган муҳим ғоялар келтирилади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Форобий ўз устози Арасту ғояларини ҳар томонлама талқин этади ва уни тўлдиришга ҳаракат қилади.

Форобий тадқиқотларининг яна бир муҳим жиҳати шуки, у кўп (юнон, араб ва бошқа) тилларни билган, бошқа олим асарларини таҳлил этган, шарҳлаган ва изоҳлаган. Тарихда шундай воқеа бўлиб ўтганлиги қайд этилади:

Қомусий олим Абу Али ибн Сино Арастунинг «Метафизика» асарини 40 марта ўқиб ҳам тушуна олмаган экан. У сурункали мутоалаадан чарчагач, бозор айланишни ихтиёр этади. Бахтли тасодифни қаранг-ки, бозордан харид қилган китоби Форобийнинг Арасту асарига ёзган шарҳлари экан. Ибн Сино бу китобни бир марта ўқиб чиқишдаёқ «Метафизика» асари моҳиятига тўла тушуниб етади.

Донишмандларнинг ҳикматларида инсоннинг касб-ҳунар, санъатдаги фазилатлари ҳар доим ҳам туғма бўлавермаслиги, кўпинча улар меҳнат машаққати ва ирода йўли билан рўёбга чиқиши қайд этилади. Шубҳасиз, бу икки қобилият ўзаро уйғунлашганда ривожланиш пайдо бўлади.

Форобий фикрича, бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам берган халқ фазилатли халқдир. Шу тартибда барча халқлар бахтга эришиши учун бир-бирига ёрдам беришса, бутун ер юзи чинакам жаннатга айланади. Ўйлашимизча, янги асримизда деярли барча давлатлар ҳам шу тўхтамга келмоқдалар.

Абу Носир ибн Муҳаммад Форобий «Фозил одамлар шаҳри» номли асарида бўлажак раҳбарларнинг асосий фазилатлари тўғрисида оқилона мушоҳада юритган. Ана шу фазилатларнинг мантиқий кетма-кетлиги ҳам диққатга сазовордир. Биринчи навбатда раҳбар «аввало тўрт мучаси соғ-саломат бўлиб, ўзига юкланган вазифаларни бажаришда бирор аъзосидаги нуқсон халал бермаслиги лозим, аксинча, у саломатлиги туфайли бу вазифаларни осон бажариши керак».

Иккинчи фазилат ҳам жуда қимматлидир. «Раҳбар табиатан нозик, фаросатли бўлиб, суҳбатдошининг сўзларини, фикрларини тез илғаб олиши, иш соҳасида умумий аҳвол қандайлигини равшан тасаввур қила олиши зарур».

Учинчидан, «у англаган, кўрган, эшитган, идрок этган нарсаларни хотирасида тўла-тўкис сақлаб қолиши, барча тафсилотларни унутмаслиги муҳимдир».

Тўртинчидан, раҳбарнинг «зеҳни ўткир, зукко бўлиб, ҳар қандай нарсанинг билинар-билинмас аломатларини ва у аломатлар нимани англатишини сезиб олиши зарур».

Бешинчидан, «у фикрини равшан тушунтира олиш мақсадида, чиройли сўзлар билан ифодалай олиши керак». Бу ерда гап тилни яхши билиш, нотиқлик санъати ҳақида бормоқда.

Кейинги муҳим фазилат шуки, раҳбар «устозлардан таълим олишга, билим, маърифатга хавасли бўлиши, ўқиш, ўрганиш жараёнида сира чарчамайдиган, бунинг машаққатидан сира қочмайдиган бўлиши шарт».

Кейинги фазилат иймон, ахлоқ-одоб, тўғрилик билан боғлиқ.

Раҳбарнинг олдига қўйиладиган шарт шуки, «у ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлғонни ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган бўлиши зарур».

Ҳар бир раҳбар «ўз қадрини билгувчи ва номус-ориятли одам бўлиши, пасткашликлардан юқори турувчи, туғма олижиммат бўлиши, улуғ, олий ишларга интилиши зарур».

Айниқса, «бу дунё молларига, динор ва дирхамларга қизиқмайдиган (мол-дунё кетидан қувмайдиган) бўлиши шартдир».

Қомусий олим Абу Наср Форобий томонидан раҳбар олдига қўйиладиган навбатдаги фазилатда «ўзи зарур деб ҳисобланган чора-тадбирларни амалга оширишда қатъиятли, жўрттатли, жасур бўлиши, кўрқоқлик ва хадиксирашларга йўл қўймаслиги зарур», деб кўрсатилади. Юқорида санаб ўтилган фазилатларнинг барчаси бир одамда жамланиши қийин эканлиги таъкидланади, «зеро, бунда туғма фазилатлар соҳиби бўлган одамлар жуда кам учрайди ва улар нодир инсонлардир». Бундай ҳолларда айтилган ҳислатлардан олтитаси ёки бештаси камол топса, «у ақл ва заковатда беназирлиги туфайли фозиллар шаҳрига раҳбарлик қила олади».

Албатта, бўлажак раҳбар шу хислатларга эгами, йўқми эканлиги қандай аниқланади, деган савол туғилади. Ҳар бир инсоннинг умр-ҳаёти, аввалги йиллардаги фаолияти, халқ ҳукмига ҳавола этилаётган дастури, яқин кишиларнинг берган тафсилотлари орқали билиб олиш ва энг мақбул номзодни қўллаб-қувватлаш керак.

Абдулҳалил РАЗЗОҚОВ,
Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети профессори

Мерос

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ва Тошкент вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Кенгаши Янгийўл тумани «Тинчлик» ширкат хўжалигининг собиқ раиси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор

Маҳмуд ИСМАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига ва барча яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Излаган имкон топар

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Сариосиё туманида таълим соҳасидаги ислоҳотларни амалга ошириш бўйича қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мазкур ўқув йили 1-синфга қабул қилинган 4237 нафар ўқувчига 11 турдаги ўқув қуроллари совға қилинди. Бунга каттагина маблағ сарфланди. Шунингдек, кам таъминланган оилаларнинг 2937 нафар фарзандига қишки кийим-бошлар берилди.

Бу борада таълим ва фан ходимлари касаба уюшма туман қўмитасининг фаол иштироки қўл келмоқда. Касаба уюшма вакиллари фаоллиги билан тармоқ ходимларидан тушган 18 та ёзма, 32 та оғзаки ариза ва шикоятлар ўз вақтида ёчимини топди. Хусусан, ноқонуний ишдан бўшатилган Шарғун шаҳридаги 30-санаторий-боғча ҳамшираси Комила Холбадалова ва 17-боғча мудираси Муқаддас Ҳамидова касаба уюшма кўмаги билан ўз ишларига тикланди.

Бундан ташқари, ижтимоий шериқчилик тамойиллари асосида халқ таълими бўлими билан қўшма қарорлар қабул қилиниб, 29 нафар ногирон ва бемор ётган ходимларга бир ойлик иш ҳақи миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Туман ҳокимлиги ва ногиронлар жамияти билан ҳамкорликда 13 ёшдан 17 ёшгача бўлган ногирон болалар ўртасида «Мафтункор ранглар олами» кўрик-танлови ўтказилиб, уларга совға-саломлар улашилди. Туман меҳнат ярмаркасида 15 нафар ишсиз тармоққа қарашли муассасаларга ишга жойлаштирилди. Жорий йил бошида соҳа ходимлари тўлиқ бепул тиббий кўрикдан ўтказилди.

Ишлаётган ногиронлар ва айрим тоифадаги ходимларнинг қонунчиликда белгиланган қўшимча кафолат ва имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиши таъминланган. Жумладан, турли сиҳатгоҳ ва дам олиш уйларида 40 нафар касаба уюшма аъзоси соғлиғини тиклади.

Саховатпеша халқимизда шундай ажойиб нақл бор: «Ўнг қўлинг берганини чап қўлинг билмасин». Зеро, бугунги кунда амалга оширилаётган хайрли тадбирлар таг заминида азалий миллий қадриятларимизга хос жиҳатлар ўз аксини топмоқда.

С.АЪЗАМОВА

Хабарлар оқимидан

ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАЛАРГА КЕНГ ЙЎЛ

«Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш» деб номланган лойиҳа доирасида кутубхоналар фаолиятини кенгайтириш билан боғлиқ тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Мавжуд зиё масканларини электрон кутубхоналарга айлантириш борасида рўёбга чиқарилаётган янгиликлар ҳам эътиборни ўзига тортади. Эндиликда бундай замонавий зиё масканларини компьютерлаштириш, проекторлар, қўшимча ўқув адабиётлари билан қуроллантиришда ҳам қатор ютуқларга эришилди. Айни вақтда улар ўз касбининг фидойилари бўлган малакали кутубхоначилар билан таъминланмоқда.

Кадрларга қулайлик туғдириш мақсадида «муаллифлар учун қўлланма» деган ўқув адабиёти чоп этилди. Умумтаълим ва махсус фанлар муаллимларининг электрон кутубхоналардан унумли фойдаланишларида ҳам бу нашр қўл келади.

«ФИГАРО-ЭСКИЗ» САҲНАДА

Ўзбекистон Давлат академик рус драма театри репертуари яна бир асар билан бойиди. Томошабинлар томонидан яхши кутиб олинган мазкур постановка «Фигаро-эскиз» деган ном билан саҳнага олиб чиқилди.

Атоқли ёзувчи Пьер Бомаршенинг машҳур «Фигаронинг уйланиши» асари асосида постановка қилинган бу қувноқ спектаклга театрнинг бадиий раҳбари Владимир Шапиров режиссёрлик қилди.

Янги саҳна асарида Олег Галахов, Иван Ненашев, Ольга Овченникова, Людмила Фесенко каби таниқли актёрлар асосий ролларни ижро этмоқдалар.

«Фигаро-эскиз» мутахассислар томонидан энг яхши режиссура талқинида саҳналаштирилган қувноқ асар деб баҳоланди.

А. АЛИЕВ

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 22.15

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 8471 Буюртма Г— 116 12345